// ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

31-32-сон (271-272) 2007 й. июль-август

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

## МУНДАРИЖА

*Биринчи бўлим*

315. «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 1 августдаги ЎРҚ−106-сон Қонуни

*Иккинчи бўлим*

316. «2007 — 2011 йиллар мобайнида Кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 27 июлдаги ПҚ−677-сон қарори

*Учинчи бўлим*

318. «Оилавий болалар уйлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 31 июлдаги 158-сон қарори

319. «Этил спиртининг сифати устидан назоратни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 31 июлдаги 159-сон қарори

320. «Республика нейрохирургия илмий марказининг моддий-техника базасини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 августдаги 160-сон қарори

321. «Республика олий спорт маҳорати мактабларини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 1 августдаги 161-сон қарори

322. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2006 йил 26 октябрдаги 218-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» 2007 йил 10 июлдаги ПФ–3889-сон Фармони)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 7 августдаги 166-сон қарори

323. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари лавозимини киритиш тўғрисида» 2007 йил 28 июндаги ПҚ–661-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 8 августдаги 168-сон қарори

*Бешинчи бўлим*

324. «Ўзбекистон Республикасида уй меҳнатини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2007 йил 16 июлдаги М-35, 26, 10-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 28 июлда 487-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

325. «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 30 июндаги 18/4-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 28 июлда 773-24-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

326. «Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2007 йил 25 июндаги М-31-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 28 июлда 1136-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

327. «Ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланиш тўғрисидаги рухсатномалар намуналарини ҳамда ўрмон фонди ерларида ёввойи ҳолда ўсувчи доривор, озиқ-овқатбоп ва техник ўсимликларни териш ва тайёрлаш учун рухсатнома, ўрмон фондининг яйлов ҳудудларида пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш учун ўрмон чипталари, шунингдек ўрмон фонди ҳудудларида дарахт кесиш учун чипта бланкаларини тўлдириш ва ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг 2007 йил 17 июлдаги 68-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 3 августда 1700-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

328. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Давлат реестридан чиқариш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2007 йил 3 августдаги 142-мҳ-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 3 августда 4-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

329. «Ўзбекистон Республикасида камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар турларини муҳофаза қилиш тартиби (118.0127714.26-93-сонли Раҳбарий ҳужжат)ни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг 2007 йил 26 июлдаги 71-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 3 августда 9-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

330. «Илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси раисининг 2007 йил 25 июлдаги 24-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 3 августда 153-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

331. «Ўзбекистон Республикасининг фундаметал илмий тадқиқотлар дастурларини тузиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси раисининг 2007 йил 25 июлдаги 23-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 3 августда 156-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

332. «Ўзбекистон Республикаси давлат илмий-техник дастурларини тузиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси раисининг 2007 йил 25 июлдаги 22-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 3 августда 157-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

333. «Илмий-техник лойиҳалар танлови тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси раисининг 2007 йил 25 июлдаги 19-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 3 августда 211-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

334. «Ўзбекистон Республикаси ФТДҚ инновацион ишлар дастурини тузиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси раисининг 2007 йил 25 июлдаги 20-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 3 августда 212-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

335. «Илмий-тадқиқот, конструктор-технологик ва инновацион ишланмаларга давлат буюртмаси тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси раисининг 2007 йил 25 июлдаги 21-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 3 августда 284-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

336. «Илмий-тадқиқот, конструктор-технологик ва инновацион ишларни молиялаштириш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Молия вазирлигининг 2007 йил 25 июлдаги 4, ДК/12-06-14/560-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 3 августда 303-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

337. «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 30 июндаги 18/3-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 7 августда 1080-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

338. «Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозларни чиқариш, давлат рўйхатига олиш ва сўндириш (бекор қилиш) тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказининг 2007 йил 21 июлдаги 228-В-5, 04/18-371-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 7 августда 1216-5-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

339. «Тижорат банклари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари томонидан бюджетга солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 25 июндаги 68, 2007-38, 291-В-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 9 августда 1701-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2007 йил 28 июлдан 10 августгача бўлган маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

### 315 «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 22 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 29 июнда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган **«Давлат божи тўғрисида»**ги 740–XII-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 22-модда; 1994 йил, № 5, 161-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 413, 418-моддалар; 2006 йил, № 12, 658-модда) **2-моддаси:**

қуйидаги мазмундаги **тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги аризалардан, шунингдек ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризалардан»;

**тўртинчи — ўн иккинчи хатбошилари** тегишинча **бешинчи — ўн учинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163–I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256–I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга илова, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар; 2007 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 4, 156,

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 2 августда эълон қилинган.

164-моддалар) **10-моддаси биринчи қисмининг ўзбекча матнидаги** «холислар суди» деган сўзлар «ҳакамлик суди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган 477—I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 9-сонга илова; 2001 йил, № 1-2, 11-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **100-модданинг 6-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6) тарафлар ўртасида ушбу низони ҳал қилиш учун ҳакамлик судига топшириш ҳақида ҳакамлик битими тузилган бўлса»;

2) **104-модда** «протест келтириш тўғрисида аризалар» деган сўзлардан кейин «ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини бекор қилиш тўғрисида аризалар, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисида аризалар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) **152-модда биринчи қисмининг 4-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4) тарафлар ўртасида ушбу низони ҳал қилиш учун ҳакамлик судига топшириш ҳақида ҳакамлик битими тузилган бўлса»;

4) **248-модда** қуйидаги мазмундаги **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Ҳакамлик судида кўриб чиқилаётган даъвони таъминлаш чоралари ҳакамлик муҳокамаси тарафининг даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризасига биноан ҳакамлик суди жойлашган ердаги ёхуд жавобгар жойлашган ердаги ёки яшайдиган жойдаги ёинки жавобгарнинг мол-мулки турган жойдаги суд томонидан кўрилиши мумкин. Даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризага даъвонинг ҳакамлик судига тақдим этилганлигини исботловчи далиллар, ҳакамлик судининг даъвони таъминлаш чораларини кўриш ҳақидаги ажрими илова қилинади.

Ҳакамлик судида кўриб чиқилаётган даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризани суд томонидан кўриб чиқиш ва даъвони таъминлаш ҳақида ажрим чиқариш ушбу Кодекснинг 249 — 258-моддаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади»;

5) **254-модда** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ҳакамлик судининг даъво талабларини қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги ҳал қилув қарори даъвони таъминлаш чоралари суд томонидан бекор қилиниши учун асос бўлади»;

6) **II бўлим** қуйидаги мазмундаги **5-кичик** бўлим билан тўлдирилсин:

## «5-кичик бўлим. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ ишларни юритиш

### 35[1]-боб. Умумий қоидалар

#### 309[1]-модда. Суд томонидан кўриладиган, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ ишлар

Суд томонидан кўриладиган, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ ишларга қуйидагилар киради:

1) ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги аризалар бўйича ишлар;

2) ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақалари бериш тўғрисидаги аризалар бўйича ишлар.

### 309[2]-модда. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ ишларни кўриш тартиби

Судлар ушбу Кодекснинг 309[1]-моддасида санаб ўтилган ишларни ушбу Кодекснинг 35[1]—35[3]-бобларида кўрсатилган истисно ва қўшимчалар билан биргаликда фуқаролик судлов ишларини юритишнинг умумий қоидаларига биноан кўриб чиқади.

### 309[3]-модда. Суднинг ажримлари устидан шикоят бериш

Суднинг ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ ишга оид ажрими устидан хусусий шикоят берилиши ёки хусусий протест келтирилиши мумкин.

## 35[2]-боб. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ишларни юритиш

### 309[4]-модда. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори юзасидан низолашиш

Ҳакамлик муҳокамаси тарафи ҳакамлик судининг судга тааллуқли низога доир ҳал қилув қарори юзасидан ушбу қарорни олган кундан эътиборан ўттиз кун ичида судга ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисида ариза бериш йўли билан низолашиши мумкин.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган жойдаги судга берилади.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисида ариза берилганлиги низо бўйича иш юритиш суд томонидан тугаллангунига қадар ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг ижроси бўйича иш юритишни тўхтатиб туради.

### 309[5]-модда. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризанинг шакли ва мазмуни

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ёзма шаклда берилади ва ҳал қилув қарори юзасидан низолашаётган ҳакамлик муҳокамаси тарафи ёки унинг вакили томонидан имзоланади.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризада қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

1) ариза берилаётган суднинг номи;

2) низолашилаётган ҳал қилув қарорини қабул қилган ҳакамлик судининг номи ва таркиби, жойлашган ери;

3) ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг номи (фамилияси, исми, отасининг исми), жойлашган ери (почта манзили) ёки яшаш жойи, шунингдек агар ариза вакил томонидан берилаётган бўлса, вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи;

4) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган сана;

5) мазкур ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этган ҳакамлик муҳокамаси тарафи ҳакамлик судининг низолашилаётган ҳал қилув қарорини олган сана;

6) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги талаб ва мазкур қарор қандай асослар бўйича низолашилаётганлиги.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризада телефонлар, факслар рақамлари, электрон почта манзиллари ва бошқа маълумотлар кўрсатилиши мумкин.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризага қуйидагилар илова қилинади:

1) ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг тасдиқланган нусхаси. Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори нусхаси мазкур ҳакамлик судининг раиси томонидан тасдиқланади, муваққат ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг нусхасидаги ҳакамлик судьясининг имзоси нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак;

2) ҳакамлик битимининг тегишли тарзда тасдиқланган нусхаси;

3) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги талабни асослаш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар;

4) белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза жавобгарлар сонига мутаносиб миқдордаги нусхалари билан судга берилади.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ҳакамлик муҳокамаси тарафининг вакили томонидан берилган бўлса, аризага ишончнома ёки вакилнинг ваколатларини тасдиқловчи бошқа ҳужжат илова қилиниши лозим.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ушбу Кодекс $309^4$-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган талаблар, шунингдек ушбу модда қоидалари бузилган ҳолда берилган бўлса, суд ушбу Кодекснинг 152 — 154-моддаларида назарда тутилган қоидаларга биноан бундай аризани қабул қилишни рад этади ёки уни ҳаракатсиз қолдиради.

### $309^6$-модда. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш тартиби

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ушбу Кодексда назарда тутилган қоидаларга биноан судья томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

Судья ишни ҳакамлик муҳокамаси тарафининг илтимосномасига биноан суд муҳокамасига тайёрлаётганда судда низолашилаётган ҳал қилув қарорига оид иш материалларини ҳакамлик судидан ушбу Кодексда далилларни талаб қилиб олиш учун назарда тутилган қоидаларга биноан талаб қилиб олиши мумкин.

Суд ҳакамлик муҳокамаси тарафларини суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилади. Суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган мазкур шахсларнинг келмаганлиги ишни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

Суд ишни суд мажлисида кўриб чиқаётганда ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун ушбу Кодекснинг $309^7$-моддасида назарда тутилган асослар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини баён қилинган талаблар ва эътирозларни асослаш учун судга тақдим этилган далилларни текшириш йўли билан аниқлайди.

Суд ишни суд мажлисида кўриб чиқаётганда ҳакамлик суди аниқлаган ҳолатларни текширишга ёхуд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мазмунан қайта кўриб чиқишга ҳақли эмас.

### 309$^{7}$-модда. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш асослари

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори, агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисида ариза берган ҳакамлик муҳокамаси тарафи қуйидагиларни исботловчи далилларни тақдим этса, суд томонидан бекор қилиниши керак:

1) ҳакамлик битими қонунда назарда тутилган асосларга кўра ҳақиқий эмаслигини;

2) ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг ҳакамлик битимида назарда тутилмаган ёки унинг шартларига тўғри келмайдиган низо бўйича чиқарилганлигини ёхуд унда ҳакамлик битими доирасидан четга чиқувчи масалалар бўйича хулосалар мавжудлигини. Агар ҳакамлик судининг ҳакамлик битими билан қамраб олинадиган масалалар бўйича хулосаларини бундай битим билан қамраб олинмайдиган масалалар бўйича хулосаларидан ажратиб олиш мумкин бўлса, ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг фақат ҳакамлик битими билан қамраб олинмайдиган масалалар бўйича хулосалари бўлган қисми бекор қилиниши мумкин;

3) ҳакамлик суди таркиби ёки ҳакамлик муҳокамаси «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14, 15, 16 ва 25-моддалари қоидаларига мувофиқ эмаслигини;

4) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг биринчи ва учинчи қисмлари талаблари бузилган ҳолда чиқарилганлигини;

5) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан қайси бирига қарши қабул қилинган бўлса, ўша тараф ҳакамлик судьяларини сайлаш (тайинлаш) тўғрисида ёки ҳакамлик суди мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинмаганлигини ҳамда шу сабабли у ҳакамлик судига ўз тушунтиришларини тақдим эта олмаганлигини.

Агар ҳакамлик суди томонидан кўриб чиқилган низо қонунга мувофиқ ҳакамлик муҳокамасининг предмети бўлмаса, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори суд томонидан бекор қилиниши керак.

### 309$^{8}$-модда. Суднинг ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги иш бўйича ажрими

Суд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича ушбу Кодексда ҳал қилув қарори қабул қилиш учун назарда тутилган қоидаларга биноан ажрим чиқаради.

Суднинг ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ёки ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини бекор қилишни рад этиш ҳақидаги ажримида қуйидагилар ҳам бўлиши керак:

1) ҳакамлик судининг низолашилаётган ҳал қилув қарори тўғрисидаги ва мазкур қарор қабул қилинган жой ҳақидаги маълумотлар;

2) низолашилаётган ҳал қилув қарорини қабул қилган ҳакамлик судининг номи ва таркиби тўғрисидаги маълумотлар;

3) ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг номи (фамилияси, исми, отасининг исми);

4) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини тўлиқ ёки қисман бекор қилиш ёхуд аризачининг талабини тўлиқ ёки қисман қаноатлантиришни рад этиш учун кўрсатма.

Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг бекор қилинганлиги ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг, агар ҳакамлик судига мурожаат этиш имконияти йўқолмаган бўлса, ҳакамлик битимига мувофиқ ҳакамлик судига янгитдан мурожаат этишига

ёки ушбу Кодексда назарда тутилган қоидаларга биноан судга мурожаат этишига тўсқинлик қилмайди.

Агар ҳакамлик судининг ҳал килув қарори ҳакамлик битими ҳақиқий эмаслиги оқибатида ёки ҳал қилув қарори ҳакамлик битимида назарда тутилмаган ёки унинг шартларига тўғри келмайдиган низо бўйича чиқарилганлиги ёхуд унда ҳакамлик битимида қамраб олинмаган масалалар бўйича хулосалар мавжудлиги ёинки низо ҳакамлик муҳокамасининг предмети бўлиши мумкин эмаслиги оқибатида суд томонидан тўлиқ ёки қисман бекор қилинган бўлса, ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бундай низони ҳал қилиш учун ушбу Кодексда назарда тутилган умумий қоидаларга биноан судга мурожаат этишлари мумкин.

## 35$^{3}$-боб. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишларни юритиш

### 309$^{9}$-модда. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришнинг умумий қоидалари

Ушбу бобда белгиланган қоидалар ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг ҳакамлик судлари ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақалари бериш тўғрисидаги аризалари суд томонидан кўриб чиқилаётганда қўлланилади.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги масала ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан қайси бирининг фойдасига чиқарилган бўлса, ўша тарафнинг аризасига биноан суд томонидан кўриб чиқилади.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза қарздор яшайдиган жойдаги ёки жойлашган ердаги ёхуд, агар қарздор яшайдиган жой ёки жойлашган ер номаълум бўлса, унинг мол-мулки турган жойдаги судга берилади.

### 309$^{10}$-модда. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризанинг шакли ва мазмуни

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ёзма шаклда берилади ва ҳал килув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан қайси бирининг фойдасига қабул қилинган бўлса, ўша тараф ёки унинг вакили томонидан имзоланиши керак.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризада қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

1) ариза берилаётган суднинг номи;

2) ҳал қилув қарорини қабул қилган ҳакамлик судининг номи ва таркиби, жойлашган ери;

3) ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг номи (фамилияси, исми, отасининг исми), жойлашган ери (почта манзили) ёки яшаш жойи, шунингдек агар ариза вакил томонидан берилаётган бўлса, вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва яшаш жойи;

4) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган сана;

5) ариза билан мурожаат этган ҳакамлик муҳокамаси тарафи ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини олган сана;

6) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги талаб.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризада телефонлар, факслар рақамлари, электрон почта манзиллари ва бошқа маълумотлар кўрсатилиши мумкин.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини бериш тўғрисидаги аризага қуйидагилар илова қилинади:

1) ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг тасдиқланган нусхаси. Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори нусхаси мазкур ҳакамлик судининг раиси томонидан тасдиқланади, муваққат ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг нусхасидаги ҳакамлик судьясининг имзоси нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак;

2) ҳакамлик битимининг тегишли тарзда тасдиқланган нусхаси;

3) белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза қарздорлар сонига мутаносиб миқдордаги нусхалари билан судга берилади.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ҳакамлик муҳокамаси тарафининг вакили томонидан берилган бўлса, аризага ишончнома ёки вакилнинг ваколатини тасдиқловчи бошқа ҳужжат илова қилиниши лозим.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини ихтиёрий ижро этиш муддати тугаган кундан эътиборан олти ойдан кечиктирмай берилиши мумкин. Мазкур муддат суд томонидан узрли деб топилган сабабларга кўра ўтказиб юборилган тақдирда, ўтказиб юборилган муддат тикланиши мумкин.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ушбу Кодекснинг $309^{9}$-моддасида назарда тутилган талаблар, шунингдек ушбу модда қоидалари бузилган ҳолда берилган бўлса, суд ушбу Кодекснинг 152 — 154-моддаларида назарда тутилган қоидаларга биноан бундай аризани қабул қилишни рад этади ёки ҳаракатсиз қолдиради.

**$309^{11}$-модда. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш тартиби**

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ушбу Кодексда назарда тутилган қоидаларга биноан судья томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

Судья ишни ҳакамлик муҳокамаси тарафининг илтимосномасига биноан суд муҳокамасига тайёрлаётганда ижро варақаси сўралаётган иш материалларини ҳакамлик судидан ушбу Кодексда далилларни талаб қилиб олиш учун назарда тутилган қоидаларга биноан талаб қилиб олиши мумкин.

Суд ҳакамлик муҳокамаси тарафларини суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилади. Суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган мазкур шахсларнинг келмаганлиги ишни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

Суд ишни суд мажлисида кўриб чиқаётганда ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни рад этиш учун ушбу Кодекснинг $309^{12}$-моддасида назарда тутилган асослар мавжудлиги ёки мавжуд эмас-

лигини баён қилинган талаблар ва эътирозларни асослаш учун судга тақдим этилган далилларни текшириш йўли билан аниқлайди.

Суд ишни суд мажлисида кўриб чиқаётганда ҳакамлик суди аниқлаган ҳолатларни текширишга ёхуд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мазмунан қайта кўриб чиқишга ҳақли эмас.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ушбу Кодекс 309[4]-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган суднинг иш юритувида бўлса, мазкур ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилаётган суд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқишни қарздорнинг илтимосномасига биноан кейинга қолдириши мумкин.

### 309[12]-модда. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни рад этиш асослари

Суд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан қайси бирига қарши қабул қилинган бўлса, ўша тараф қуйидагиларни исботловчи далилларни тақдим этган ҳоллардагина рад этади:

1) ҳакамлик битими қонунда назарда тутилган асосларга кўра ҳақиқий эмаслигини;

2) ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг ҳакамлик битимида назарда тутилмаган ёки унинг шартларига тўғри келмайдиган низо бўйича чиқарилганлигини ёхуд унда ҳакамлик битими доирасидан четга чиқувчи масалалар бўйича хулосалар мавжудлигини. Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорида ҳакамлик битими билан қамраб олинадиган масалалар бўйича хулосаларни бундай битим билан қамраб олинмайдиган масалалар бўйича хулосалардан ажратиб олиш мумкин бўлса, суд ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг фақат ҳакамлик битими билан қамраб олинадиган масалалар бўйича хулосалар бўлган қисми учун ижро варақаси беради;

3) ҳакамлик суди таркиби ёки ҳакамлик муҳокамаси «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14, 15, 16 ва 25-моддалари қоидаларига мувофиқ эмаслигини;

4) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг биринчи ва учинчи қисмлари талаблари бузилган ҳолда чиқарилганлигини;

5) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан қайси бирига қарши қабул қилинган бўлса, ўша тараф ҳакамлик судьяларини сайлаш (тайинлаш) тўғрисида ёки ҳакамлик суди мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинмаганлигини ҳамда шу сабабли у ҳакамлик судига ўз тушунтиришларини тақдим эта олмаганлигини;

6) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафлари учун ҳали мажбурий бўлмаганлигини ёки бекор қилинганлигини ёхуд унинг ижроси суд ёки хўжалик суди томонидан тўхтатиб турилганлигини.

Агар ҳакамлик суди томонидан кўриб чиқилган низо қонунга мувофиқ ҳакамлик муҳокамасининг предмети бўлмаса, суд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни рад этади.

**309[13]-модда. Суднинг ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги иш бўйича ажрими**

Суд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича ушбу Кодексда ҳал қилув қарори қабул қилиш учун назарда тутилган қоидаларга биноан ажрим чиқаради.

Суднинг ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ёки ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни рад этиш тўғрисидаги ажримида қуйидагилар ҳам бўлиши керак:

1) ҳал қилув қарорини қабул қилган ҳакамлик судининг номи ва таркиби;

2) ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг номи (фамилияси, исми, отасининг исми);

3) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори тўғрисидаги маълумотлар;

4) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақасини бериш ёки ижро варақаси беришни рад этиш учун кўрсатма.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш рад этилганлиги ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг, агар ҳакамлик судига мурожаат этиш имконияти йўқолмаган бўлса, ҳакамлик битимига мувофиқ ҳакамлик судига янгитдан мурожаат этишига ёки ушбу Кодексда назарда тутилган коидаларга биноан судга мурожаат этишига тўсқинлик қилмайди.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш ҳакамлик битимининг ҳақиқий эмаслиги оқибатида ёки ҳал қилув қарори ҳакамлик битимида назарда тутилмаган ёки унинг шартларига тўғри келмайдиган низо бўйича чиқарилганлиги ёхуд унда ҳакамлик битимида қамраб олинмаган масалалар бўйича тўхтамлар мавжудлиги ёинки низо ҳакамлик муҳокамасининг предмети бўлиши мумкин эмаслиги оқибатида суд томонидан тўлиқ ёки қисман рад этилган бўлса, ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бундай низони ҳал қилиш учун ушбу Кодексда назарда тутилган қоидаларга биноан судга мурожаат этишлари мумкин.

Суднинг ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ажрими дарҳол ижро этилиши керак».

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган 478–I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 234-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 2001 йил, № 1-2, 11-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 7, 373-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **25-модданинг ўзбекча матнидаги** «ҳакамлар судига» деган сўзлар «ҳакамлик судига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) қуйидаги мазмундаги **25[1]-модда** билан тўлдирилсин:

**«25[1]-модда. Хўжалик суди томонидан кўриладиган, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ ишлар**

Хўжалик суди томонидан кўриладиган, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори билан боғлиқ ишларга қуйидагилар киради:

1) ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги аризалар бўйича ишлар;

2) ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақалари бериш тўғрисидаги аризалар бўйича ишлар.

Хўжалик судлари ушбу модданинг биринчи қисмида санаб ўтилган ишларни ушбу Кодекснинг 20[1]-20[2]-бобларида кўрсатилган истисно ва қўшимчалар билан биргаликда хўжалик судлов ишларини юритишнинг умумий қоидаларига биноан кўриб чиқади»;

3) **52-модданинг ўзбекча матнидаги** «ҳакамлар судига» деган сўзлар «ҳакамлик судига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **76-модда:**

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ҳакамлик судида кўриб чиқилаётган даъвони таъминлаш чоралари ҳакамлик муҳокамаси тарафининг даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризасига кўра ҳакамлик суди жойлашган ердаги ёхуд жавобгар жойлашган ердаги ёки яшайдиган жойдаги ёинки жавобгарнинг мол-мулки турган жойдаги хўжалик суди томонидан ариза хўжалик судига келиб тушганидан кейинги кундан кечиктирмасдан тарафларни хабардор қилмаган ҳолда кўрилиши мумкин. Даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризага даъвонинг ҳакамлик судига тақдим этилганлигини исботловчи далиллар, ҳакамлик судининг даъвони таъминлаш чораларини кўриш ҳақидаги ажрими илова қилинади»;

**учинчи** ва **тўртинчи кисмлари** тегишинча **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

қуйидаги мазмундаги **олтинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ҳакамлик судида кўриб чиқилаётган даъвони таъминлаш тўғрисидаги аризани хўжалик суди томонидан кўриб чиқиш ва даъвони таъминлаш ҳақида ажрим чиқариш ушбу Кодекснинг 77 — 81-моддаларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади»;

5) **80-модда:**

қуйидаги мазмундаги **бешинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ҳакамлик судининг даъво талабларини қаноатлантиришни рад этиш ҳақидаги ҳал қилув қарори даъвони таъминлаш чоралари хўжалик суди томонидан бекор қилиниши учун асос бўлади»;

**бешинчи қисми олтинчи қисм** деб ҳисоблансин;

6) **86-модда 3-бандининг ўзбекча матнидаги** «ҳакамлар судининг», «ҳакамлар судига», «ҳакамлар судида» деган сўзлар тегишинча «ҳакамлик судининг», «ҳакамлик судига», «ҳакамлик судида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **88-модда 1** ва **2-бандларининг ўзбекча матнидаги** «ҳакамлар суди», «ҳакамлар судига» деган сўзлар тегишинча «ҳакамлик суди», «ҳакамлик судига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **91-модда биринчи қисмининг 6** ва **7-бандлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги аризалар, шунингдек ҳакамлик судининг ҳал килув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризалар;

7) хўжалик судининг ҳакамлик суди ҳал қилув қарорларини бекор қилиш тўғрисидаги, шунингдек ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ва ижро варақаси беришни рад этиш

тўғрисидаги ишлар бўйича ажримлари устидан берилган апелляция ва кассация шикоятлари»;

9) **117-модда биринчи қисми 3** ва **4-бандларининг ўзбекча матнидаги** «ҳакамлар судининг», «ҳакамлар судига», «ҳакамлар судида» деган сўзлар тегишинча «ҳакамлик судининг», «ҳакамлик судига», «ҳакамлик судида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

10) қуйидаги мазмундаги **20$^1$** ва **20$^2$-боблар** билан тўлдирилсин:

### «20$^1$-боб. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ишларни юритиш

#### 155$^1$-модда. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори юзасидан низолашиш

Ҳакамлик муҳокамаси тарафи ҳакамлик судининг хўжалик судига тааллуқли низога доир ҳал қилув қарори юзасидан ушбу қарорни олган кундан эътиборан ўттиз кун ичида хўжалик судига ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш ҳақида ариза бериш йўли билан низолашиши мумкин.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган жойдаги хўжалик судига берилади.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисида ариза берилганлиги низо бўйича иш юритиш хўжалик суди томонидан тугаллангунига қадар ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг ижроси бўйича иш юритишни тўхтатиб туради.

#### 155$^2$-модда. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризанинг шакли ва мазмуни

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ёзма шаклда берилади ва ҳал қилув қарори юзасидан низолашаётган ҳакамлик муҳокамаси тарафи ёки унинг вакили томонидан имзоланади.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризада қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

1) ариза берилаётган хўжалик судининг номи;

2) низолашилаётган ҳал қилув қарорини қабул қилган ҳакамлик судининг номи ва таркиби, жойлашган ери;

3) ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг номи (фамилияси, исми, отасининг исми), уларнинг жойлашган ери (почта манзили) ёки яшаш жойи;

4) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган сана;

5) мазкур ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисида ариза билан мурожаат этган тараф ҳакамлик судининг низолашилаётган ҳал қилув қарорини олган сана;

6) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги талаб ва мазкур қарор қандай асослар бўйича низолашилаётганлиги.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризада телефонлар, факслар рақамлари, электрон почта манзиллари ва бошқа маълумотлар кўрсатилиши мумкин.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризага қуйидагилар илова қилинади:

1) ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг тасдиқланган нусхаси. Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори нусхаси мазкур ҳакамлик

судининг раиси томонидан тасдиқланади, муваққат ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг нусхасидаги ҳакамлик судьясининг имзоси нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак;

2) ҳакамлик битимининг тегишли тарзда тасдиқланган нусхаси;

3) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги талабни асослаш учун тақдим этиладиган ҳужжатлар;

4) белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

5) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза нусхаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар ҳакамлик муҳокамасининг бошқа тарафига юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ҳакамлик муҳокамаси тарафининг вакили томонидан берилган бўлса, аризага вакилнинг ариза тақдим этишга бўлган ваколатини тасдиқловчи ишончнома илова қилинади.

Ушбу Кодекс $155^1$-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган талабларга ва ушбу модда қоидаларига риоя этилмаган тақдирда, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ушбу Кодекснинг 118-моддасида назарда тутилган қоидаларга биноан аризачига қайтарилади.

### $155^3$-модда. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш тартиби

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ушбу Кодексда назарда тутилган қоидаларга биноан судья томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

Судья ишни ҳакамлик муҳокамаси тарафининг илтимосномасига биноан суд муҳокамасига тайёрлаётганда хўжалик судида низолашилаётган ҳал қилув қарорига оид иш материалларини ҳакамлик судидан ушбу Кодексда далилларни талаб қилиб олиш учун назарда тутилган қоидаларга биноан талаб қилиб олиши мумкин.

Хўжалик суди ҳакамлик муҳокамаси тарафларини суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилади. Суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган мазкур шахсларнинг келмаганлиги ишни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

Хўжалик суди ишни суд мажлисида кўриб чиқаётганда ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш учун ушбу Кодекснинг $155^4$-моддасида назарда тутилган асослар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини баён қилинган талаблар ва эътирозларни асослаш учун судга тақдим этилган далилларни текшириш йўли билан аниқлайди.

Хўжалик суди ишни суд мажлисида кўриб чиқаётганда ҳакамлик суди аниқлаган ҳолатларни текширишга ёхуд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мазмунан қайта кўриб чиқишга ҳақли эмас.

### $155^4$-модда. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш асослари

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори, агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисида ариза берган ҳакамлик муҳокамаси тарафи қуйидагиларни исботловчи далилларни тақдим этса, хўжалик суди томонидан бекор қилиниши керак:

1) ҳакамлик битими қонунда назарда тутилган асосларга кўра ҳақиқий эмаслигини;

2) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик битимида назарда тутилмаган ёки унинг шартларига тўғри келмайдиган низо бўйича чиқарилганлигини ёхуд унда ҳакамлик битими доирасидан четга чиқувчи масалалар бўйича хулосалар мавжудлигини. Агар ҳакамлик судининг ҳакамлик битими билан қамраб олинадиган масалалар бўйича хулосаларини бундай битим билан қамраб олинмайдиган масалалар бўйича хулосаларидан ажратиб олиш мумкин бўлса, ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг фақат ҳакамлик битими билан қамраб олинмайдиган масалалар бўйича хулосалари бўлган қисми бекор қилиниши мумкин;

3) ҳакамлик суди таркиби ёки ҳакамлик муҳокамаси «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14, 15, 16 ва 25-моддалари қоидаларига мувофиқ эмаслигини;

4) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг биринчи ва учинчи қисмлари талаблари бузилган ҳолда чиқарилганлигини;

5) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан қайси бирига қарши қабул қилинган бўлса, ўша тараф ҳакамлик судьяларини сайлаш (тайинлаш) тўғрисида ёки ҳакамлик суди мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинмаганлигини ҳамда шу сабабли у ҳакамлик судига ўз тушунтиришларини тақдим эта олмаганлигини.

Агар ҳакамлик суди томонидан кўриб чиқилган низо қонунга мувофиқ ҳакамлик муҳокамасининг предмети бўлмаса, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори хўжалик суди томонидан бекор қилиниши керак.

### $155^5$-модда. Хўжалик судининг ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги иш бўйича ажрими

Хўжалик суди ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича ушбу Кодексда ҳал қилув қарори қабул қилиш учун назарда тутилган қоидаларга биноан ажрим чиқаради.

Хўжалик судининг ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ёки ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилишни рад этиш ҳақидаги ажримида қуйидагилар ҳам бўлиши керак:

1) ҳакамлик судининг низолашилаётган ҳал қилув қарори тўғрисидаги ва мазкур қарор қабул қилинган жой тўғрисидаги маълумотлар;

2) низолашилаётган ҳал қилув қарорини қабул қилган ҳакамлик судининг номи ва таркиби тўғрисидаги маълумотлар;

3) ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг номи (фамилияси, исми, отасининг исми);

4) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини тўлиқ ёки қисман бекор қилиш ёхуд аризачининг талабини тўлиқ ёки қисман қаноатлантиришни рад этиш учун кўрсатма.

Ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг бекор қилинганлиги ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг, агар ҳакамлик судига мурожаат этиш имконияти йўқолмаган бўлса, ҳакамлик битимига мувофиқ ҳакамлик судига янгитдан мурожаат этишига ёки ушбу Кодексда назарда тутилган умумий қоидаларга биноан хўжалик судига мурожаат этишига тўсқинлик қилмайди.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик битими ҳақиқий эмаслиги оқибатида ёки ҳал қилув қарори ҳакамлик битимида назарда тутилмаган ёки

унинг шартларига тўғри келмайдиган низо бўйича чиқарилганлиги ёхуд унда ҳакамлик битимида қамраб олинмаган масалалар бўйича хулосалар мавжудлиги оқибатида хўжалик суди томонидан тўлиқ ёхуд қисман бекор қилинган бўлса, ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бундай низони ҳал қилиш учун ушбу Кодексда назарда тутилган умумий қоидаларга биноан хўжалик судига мурожаат этишлари мумкин.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги иш бўйича хўжалик судининг ажрими устидан ушбу Кодексда белгиланган тартибда шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин.

## 20²-боб. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишларни юритиш

### 155⁶-модда. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришнинг умумий қоидалари

Ушбу бобда белгиланган қоидалар ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг ҳакамлик судларининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақалари бериш тўғрисидаги аризалари хўжалик суди томонидан кўриб чиқилаётганда қўлланилади.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги масала ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан қайси бирининг фойдасига чиқарилган бўлса, ўша тарафнинг аризасига биноан хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза қарздор жойлашган ердаги ёки яшайдиган жойдаги ёхуд, агар қарздор жойлашган ер ёки яшайдиган жой номаълум бўлса, унинг мол-мулки турган жойдаги хўжалик судига берилади.

### 155⁷-модда. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризанинг шакли ва мазмуни

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ёзма шаклда берилади ва ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан қайси бирининг фойдасига қабул қилинган бўлса, ўша тараф ёки унинг вакили томонидан имзоланиши керак.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризада қуйидагилар кўрсатилган бўлиши керак:

1) ариза берилаётган хўжалик судининг номи;

2) ҳал қилув қарорини қабул қилган ҳакамлик судининг номи ва таркиби, жойлашган ери;

3) ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг номи (фамилияси, исми, отасининг исми), жойлашган ери (почта манзили) ёки яшаш жойи;

4) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори қабул қилинган сана;

5) ариза билан мурожаат этган ҳакамлик муҳокамаси тарафи ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини олган сана;

6) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги талаб.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризада телефонлар, факслар рақамлари, электрон почта манзиллари ва бошқа маълумотлар кўрсатилиши мумкин.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризага қуйидагилар илова қилинади:

1) ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг тасдиқланган нусхаси. Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори нусхаси мазкур ҳакамлик судининг раиси томонидан тасдиқланади, муваққат ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг нусхасидаги ҳакамлик судьясининг имзоси нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак;

2) ҳакамлик битимининг тегишли тарзда тасдиқланган нусхаси;

3) белгиланган тартибда ва миқдорда давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;

4) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза нусхаси ҳакамлик муҳокамасининг бошқа тарафига топширилганлиги ҳақидаги хабарнома ёки унинг юборилганлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжат.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ҳакамлик муҳокамаси тарафининг вакили томонидан берилган бўлса, аризага вакилнинг ариза тақдим этишга бўлган ваколатини тасдиқловчи ишончнома илова қилинади.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини ихтиёрий ижро этиш муддати тугаган кундан эътиборан олти ойдан кечиктирмай берилиши мумкин. Мазкур муддат хўжалик суди томонидан узрли деб топилган сабабларга кўра ўтказиб юборилган тақдирда, ўтказиб юборилган муддат тикланиши мумкин.

Ушбу Кодекснинг 155$^6$-моддасида назарда тутилган талаблар ва ушбу модда қоидалари бузилган ҳолда берилган ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ушбу Кодекснинг 118-моддасида назарда тутилган қоидаларга биноан аризачига қайтарилади.

**155$^8$-модда. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш тартиби**

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза ушбу Кодексда назарда тутилган қоидаларга биноан судья томонидан якка тартибда кўриб чиқилади.

Судья ишни ҳакамлик муҳокамаси тарафининг илтимосномасига биноан суд муҳокамасига тайёрлаётганда ижро варақаси сўралаётган иш материалларини ҳакамлик судидан ушбу Кодексда далилларни талаб қилиб олиш учун назарда тутилган қоидаларга биноан талаб қилиб олиши мумкин.

Хўжалик суди ҳакамлик муҳокамаси тарафларини суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилади. Суд мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинган мазкур шахсларнинг келмаганлиги ишни кўриб чиқиш учун тўсқинлик қилмайди.

Хўжалик суди ишни суд мажлисида кўриб чиқаётганда ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни рад этиш учун ушбу Кодекснинг 155$^9$-моддасида назарда тутилган асослар мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини баён қилинган талаблар ва эътирозларни асослаш учун судга тақдим этилган далилларни текшириш йўли билан аниқлайди.

Хўжалик суди ишни суд мажлисида кўриб чиқаётганда ҳакамлик суди аниқла-

ган ҳолатларни текширишга ёхуд ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мазмунан қайта кўриб чиқишга ҳақли эмас.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини бекор қилиш тўғрисидаги ариза ушбу Кодекс $155^{1}$-моддасининг иккинчи қисмида кўрсатилган хўжалик судининг иш юритувида бўлса, мазкур ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ариза кўриб чиқилаётган хўжалик суди ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқишни қарздорнинг илтимосномасига биноан кейинга қолдириши мумкин.

### $155^{9}$-модда. Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни рад этиш асослари

Хўжалик суди ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан қайси бирига қарши қабул қилинган бўлса, ўша тараф қуйидагиларни исботловчи далилларни тақдим этган ҳоллардагина рад этади:

1) ҳакамлик битими қонунда назарда тутилган асосларга кўра ҳақиқий эмаслигини;

2) ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг ҳакамлик битимида назарда тутилмаган ёки унинг шартларига тўғри келмайдиган низо бўйича чиқарилганлигини ёхуд унда ҳакамлик битими доирасидан четга чиқувчи масалалар бўйича хулосалар мавжудлигини. Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорида ҳакамлик битими билан қамраб олинадиган масалалар бўйича хулосаларни бундай битим билан қамраб олинмайдиган масалалар бўйича хулосалардан ажратиб олиш мумкин бўлса, хўжалик суди ҳакамлик суди ҳал қилув қарорининг фақат ҳакамлик битими билан қамраб олинадиган масалалар бўйича хулосалар бўлган қисми учун ижро варақаси беради;

3) ҳакамлик суди таркиби ёки ҳакамлик муҳокамаси «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14, 15, 16 ва 25-моддалари қоидаларига мувофиқ эмаслигини;

4) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 10-моддасининг биринчи ва учинчи қисмлари талаблари бузилган ҳолда чиқарилганлигини;

5) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан қайси бирига қарши қабул қилинган бўлса, ўша тараф ҳакамлик судьяларини сайлаш (тайинлаш) тўғрисида ёки ҳакамлик суди мажлисининг вақти ва жойи ҳақида тегишли тарзда хабардор қилинмаганлигини ҳамда шу сабабли у ҳакамлик судига ўз тушунтиришларини тақдим эта олмаганлигини;

6) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори ҳакамлик муҳокамаси тарафлари учун ҳали мажбурий бўлмаганлигини ёки бекор қилинганлигини ёхуд унинг ижроси хўжалик суди ёки фуқаролик ишлари бўйича суд томонидан тўхтатиб турилганлигини.

Агар ҳакамлик суди томонидан кўриб чиқилган низо қонунга мувофиқ ҳакамлик муҳокамасининг предмети бўлмаса, хўжалик суди ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни рад этади.

### $155^{10}$-модда. Хўжалик судининг ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги иш бўйича ажрими

Хўжалик суди ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича ушбу

Кодексда ҳал қилув қарори қабул қилиш учун назарда тутилган қоидаларга биноан ажрим чиқаради.

Хўжалик судининг ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ёки ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси беришни рад этиш ҳақидаги ажримида қуйидагилар ҳам бўлиши керак:

1) ҳал қилув қарорини қабул қилган ҳакамлик судининг номи ва таркиби;

2) ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг номи (фамилияси, исми, отасининг исми);

3) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарори тўғрисидаги, аризачи мажбурий ижро этилишини илтимос қилаётган ижро варақасини бериш ҳақидаги маълумотлар;

4) ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш ёки ижро варақаси беришни рад этиш учун кўрсатма.

Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш рад этилганлиги ҳакамлик муҳокамаси тарафларининг, агар ҳакамлик судига мурожаат этиш имконияти йўқолмаган бўлса, ҳакамлик битимига мувофиқ ҳакамлик судига янгитдан мурожаат этишига ёки ушбу Кодексда назарда тутилган умумий қоидаларга биноан хўжалик судига мурожаат этишига тўсқинлик қилмайди.

Агар ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш ҳакамлик битимининг ҳақиқий эмаслиги оқибатида ёки ҳал қилув қарори ҳакамлик битимида назарда тутилмаган ёки унинг шартларига тўғри келмайдиган низо бўйича чиқарилганлиги ёхуд унда ҳакамлик битимида қамраб олинмаган масалалар бўйича тўхтамлар мавжудлиги ёинки низо ҳакамлик муҳокамасининг предмети бўлиши мумкин эмаслиги оқибатида хўжалик суди томонидан тўлиқ ёки қисман рад этилган бўлса, ҳакамлик муҳокамаси тарафлари бундай низони ҳал қилиш учун ушбу Кодексда назарда тутилган қоидаларга биноан хўжалик судига мурожаат этишлари мумкин.

Хўжалик судининг ҳакамлик суди ҳал қилув қарорини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисидаги ажрими дарҳол ижро этилиши керак.

Хўжалик судининг ушбу модданинг биринчи қисмига мувофиқ чиқарилган ажрими устидан ушбу Кодексда белгиланган тартибда шикоят берилиши (протест келтирилиши) мумкин».

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августда қабул қилинган **«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»**ги 670–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 170-модда) **36-моддасининг ўзбекча матнидаги** «ҳакамлар суди» деган сўзлар «ҳакамлик суди» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган **«Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»**ги 258–II-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 169-модда) **ўзбекча матнига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **5-модданинг 8-бандидаги** «холислар судининг» деган сўзлар «ҳакамлик судининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **7-модда биринчи қисмининг 2-бандидаги** «холислар судининг» деган сўзлар «ҳакамлик судининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **27-модда биринчи қисмининг 2-бандидаги** «холислар судининг» деган сўзлар «ҳакамлик судининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**7-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 1 август,
ЎРҚ–106-сон

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### 316 2007 — 2011 йиллар мобайнида Кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастури тўғрисида

Кимё саноатини янада барқарор ва мутаносиб ҳолда ривожлантириш, ишлаб чиқариш қувватларидан оқилона фойдаланиш, энергияни тежайдиган ҳамда экологик хавфсиз самарали технологияларни жорий этиш, экспортга мўлжалланган ва импорт ўрнини босадиган рақобатбардош кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш мақсадида:

1. Қуйидагилар 2007 — 2011 йиллар мобайнида Кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурининг асосий вазифалари деб ҳисоблансин:

замонавий юқори самарадор технологиялар, ускуналар ва технологик жараёнларни бошқаришнинг энг янги тизимларини қўллаш йўли билан ишлаб чиқаришнинг техник даражаси ва самарадорлигини ошириш, кимё корхоналарининг эксплуатациявий ишончлилиги ва экологик хавфсизлигини таъминлаш;

ташқи ва ички бозорларда барқарор суратда ғоят харидоргир бўлган кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш ва турини кенгайтириш, уларни экспортга етказиб бериш ҳажмларини сезиларли даражада ошириш;

маҳаллий хом ашё ресурслари ва базавий кимё маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш йўли билан экспортга мўлжалланган ҳамда импорт ўрнини босадиган кимёвий маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш.

2. «Ўзкимёсаноат» ДАК томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан биргаликда ишлаб чиқилган 2007 — 2011 йиллар мобайнида Кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича қуйидагиларни ўз ичига олган дастур маъқуллансин:

Кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурини амалга ошириш, асосий турдаги кимё маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг мақсадли прогноз параметрлари 1 ва 2-иловаларга* мувофиқ;

кимё саноати корхоналари томонидан барқарор харидоргир бўлган кимё маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳажмлари ва экспортга мўлжалланган ҳамда импорт ўрнини босадиган кимё маҳсулотларининг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш 3-иловага* мувофиқ;

кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳалар рўйхати 4-иловага* мувофиқ.

«Ўзкимёсаноат» ДАК ва тармоқ корхоналари раҳбарлари зиммасига 2007 — 2011 йиллар мобайнида Кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурининг мақсадли прогноз параметрларига эри-

* 1—4-иловалар берилмайди.

шиш ҳамда унга киритилган лойиҳаларни тўлиқ ҳажмда ва белгиланган муддатларда амалга оширилишини таъминлаш борасида шахсий жавобгарлик юклансин.

3. «Ўзкимёсаноат» ДАК, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг «Ўзоғирнефтгазкимёлойиҳа» институти манфаатдор вазирликлар, идоралар ва тижорат банклари билан биргаликда асосий турдаги кимё маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспортга етказиб бериш бўйича белгиланган мақсадли параметрларнинг сўзсиз бажарилиши учун лойиҳа ҳужжатларининг ўз вақтида ишлаб чиқилиши, келишиб олиниши ва ўрнатилган тартибда тасдиқланишини, шунингдек мазкур қарорнинг 4-иловасига киритилган лойиҳаларнинг амалга оширилишини таъминласин.

4. «Ўзкимёсаноат» ДАК манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ҳафта муддатда «Фарғонаазот» ОАЖда АМ-76 аммиаки ишлаб чиқаришини капитал-тиклаш таъмирлаш элементлари билан реконструкция қилиш ва «Чирчиқ «Электркимёсаноат» ОАЖда АМ-76 аммиакининг йирик тоннали агрегатини реконструкция қилиш ва модернизациялаш» инвестиция лойиҳаларининг дастлабки техник-иқтисодий асосларини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

«Ўзсаноатқурилишбанк» АК мазкур лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий манбалардан жалб этиладиган кредитлар бўйича қайта молиялаштирувчи банк этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси 2007-2008 йилларда мазкур инвестиция лойиҳаларини тасдиқланган ДТИАга мувофиқ 4-иловада кўрсатилган ҳажмларда биргаликда молиялаштиришни назарда тутсин.

5. «Фарғонаазот» ОАЖ ва «Электркимёсаноат» ОАЖ Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатларга биноан мазкур лойиҳаларни амалга ошириш доирасида олиб келинадиган асосий технологик ва ёрдамчи ускуналар (эҳтиёт қисмларнинг норматив комплекти билан), технологик жиҳозлар ва эҳтиёт қисмлар, дастурий маҳсулотлар, техник ҳужжатлар 2009 йилнинг 1 июнигача божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо вазирлиги ҳар йили Инвестиция дастурини шакллантиришда 2007 — 2011 йиллар мобайнида Кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурида кўзда тутилган инвестиция лойиҳалари, биринчи навбатда маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш, уларнинг экспорт ҳажмларини ошириш ва импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни назарда тутилган ҳолда, унга белгиланган тартибда киритиб борилишини таъминласин.

7. Хорижий инвестициялар иштирокида йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашга (Н.М. Ханов), Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги билан «Ўзкимёсаноат» ДАКнинг қўшма тақдимномаси бўйича, 2007 — 2011 йиллар мобайнида Кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастурига, экспорт қилишга мўлжалланган замонавий турдаги кимё саноати маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган корхоналар ташкил этишга оид янги инвестиция лойиҳалари қўшилишини назарда тутган ҳолда, аниқлик ва қўшимчалар киритишга рухсат берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2010 йилгача даврда Жерой-Сардара кони негизида таркибида фосфор бўлган ўғитлар ишлаб чиқариш ва экспортга етказиб беришни кўпайтириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида» 2006 йил 18 июлдаги ПҚ–420-сон қарорининг 5, 6 ва 7-бандлари ва 1-иловаси ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Р. Шоисматов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 27 июль,
ПҚ–677-сон

# УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## 318 Оилавий болалар уйлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

Ота-онасининг қаровисиз қолган болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, улар учун оилавий шароитларга яқинлаштирилган зарур шароитлар яратиш, оилавий болалар уйларини ривожлантириш мақсадида, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисида» 2007 йил 23 январдаги ПҚ–573-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Оилавий болалар уйлари тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

фаолият кўрсатаётган оилавий болалар уйлари фаолиятини уч ой муддатда ўргансин ва уларни ушбу қарор билан тасдиқланган Низом талабларига мувофиқлаштирсин;

оилавий болалар уйлари фаолиятининг мунтазам назорат қилинишини таъминласин, улар зиммасига юкланган вазифаларни амалга оширишда ҳар томонлама кўмаклашсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 31 июль,
158-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 31 июлдаги 158-сон қарорига
ИЛОВА

## Оилавий болалар уйлари тўғрисида
## НИЗОМ

### I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом оилавий болалар уйининг мақомини, уларни ташкил этиш, оилавий болалар уйига болаларни қабул қилиш тартибини, тарбияловчи ота-оналарнинг ҳамда ана шундай уйларга тарбиялаш учун берилган болаларнинг (кейинги ўринларда тарбияланувчи болалар деб аталади) ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди.

2. Оилавий болалар уйи ота-онасининг қаровисиз қолган болалар учун тарбия муассасаси ҳисобланади.

3. Ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни тарбиялаш, ўқитиш, соғломлаштириш, ақлий, психологик ва жисмоний ривожлантириш, уларни ижтимоий мослаштириш ва муҳофаза қилиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, улар учун оиладагига яқин зарур шароитлар вужудга келтириш оилавий болалар уйининг асосий вазифалари ҳисобланади.

4. Васийлик ва ҳомийлик органлари оилавий болалар уйлари ташкил этишга кўмаклашадилар, тарбияловчи ота-оналарга зарур ташкилий ёрдам кўрсатадилар ҳамда ҳар ойда камида бир марта тарбияланувчи болалар турмуши ва тарбияланиши шароитларини кузатиб борадилар.

### II. Оилавий болалар уйини ташкил этиш тартиби ва шартлари

5. Оилавий болалар уйи туман (шаҳар) ҳокимининг қарори бўйича ташкил этилади, қайта ташкил қилинади ва тугатилади. Оилавий болалар уйи ташкил этишни хоҳловчи эр-хотиннинг тегишли аризаси, васийлик ва ҳомийлик органининг, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузуридаги балоғатга етмаганлар билан ишлаш комиссиясининг (кейинги ўринларда балоғатга етмаганлар билан ишлаш комиссияси деб аталади) эр-хотиннинг тарбияловчи ота-оналар бўлиши ва болаларни тарбиялаш учун олиши мумкинлиги тўғрисидаги хулосаси туман (шаҳар) ҳокими қарори қабул қилиниши учун асос ҳисобланади.

Оилавий болалар уйи муассаса шаклида ташкил этилади ва тегишли туман (шаҳар) ҳокимлигида юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилади.

6. Оилавий болалар уйи ташкил этишни хоҳловчи эр-хотин ўзининг яшаш жойидаги васийлик ва ҳомийлик органига ариза билан мурожаат қилишади.

Аризада эр-хотиннинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, болалари (ўзлариники, фарзандликка олганлари) мавжуд бўлган тақдирда — уларнинг сони ва ёши кўрсатилади.

Аризага қуйидагилар илова қилиниши керак:

маълумоти тўғрисидаги ҳужжатларнинг, никоҳдан ўтганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхалари;

иш ва ўқиш жойидан маълумотнома (ишламаётган ёки белгиланган тартибда ишсиз деб эътироф этилганлар учун — маҳаллий меҳнат органларининг ёки яшаш жойидаги ўзини ўзи бошқариш органларининг маълумотномаси);

меҳнат дафтарчасидан кўчирма (иш стажи мавжуд бўлса);

оила аъзолари кўрсатилган ҳолда яшаш жойидан маълумотнома;

эр-хотинда санитария қоидалари ва нормаларига мувофиқ бўлган мулк ҳуқуқи, ижара шартларида (ижарага олинган) ёки бошқа қонуний асосларда турар жой мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат (тегишли турар жой мавжуд бўлмаган тақдирда аризада хизмат турар жойи билан таъминлаш зарурлиги кўрсатилади);

тиббий-маслаҳат комиссиясининг эр-хотиннинг соғлиғи тўғрисидаги хулосаси, психиатрия ва наркология муассасалари, тери-таносил касалликлари диспансери маълумотномалари.

Аризани топшириш вақтида эр-хотиннинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатилади.

7. Агар ушбу Низомда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг никоҳдан ўтган, 35 ёшдан 50 ёшгача бўлган фуқаролари тарбияловчи ота-она бўлишлари мумкин, қуйидаги шахслар бундан мустасно:

тарбиялашга олинаётган болалар билан қариндошлиги бўлганлар;

белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомалага лаёқатлилиги чекланган деб эътироф этилганлар;

ота-оналик ҳуқуқларидан маҳрум этилганлар ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар;

ўзларига юкланган мажбуриятларни зарур даражада бажармаганлик учун васийлик (ҳомийлик) мажбуриятидан четлаштирилганлар;

агар фарзандликка олиш уларнинг айби билан суд томонидан бекор қилинган бўлса, собиқ фарзандликка олганлар;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланадиган касалликлар рўйхатига мувофиқ болаларни тарбиялашга олиши тақиқланадиган касаллиги мавжуд бўлганлар;

қасддан қилган жинояти учун судланганлар.

8. Васийлик ва ҳомийлик органи эр-хотиннинг аризаси асосида ариза берилган кундан бошлаб 30 кун мобайнида эр-хотиннинг турмуш шароитларини текширади, текшириш натижаларига кўра тегишли хулоса билан далолатнома тузади ва уларни кўриб чиқиш учун балоғатга етмаганлар билан ишлаш комиссиясига тақдим этади.

Эр-хотиннинг турмуш шароитлари, шу жумладан турар жой майдони, санитария ва бошқа шароитлари Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган нормативларга мувофиқ бўлиши керак.

Текшириш вақтида оиланинг биргаликда яшайдиган барча аъзоларининг, шу жумладан ўзининг ва фарзандликка олган болаларининг (ўн ёшдаги болаларнинг розилиги мажбурийдир) фикри ўрганилади, иш жойидан ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан тавсифнома сўралади.

9. Текшириш далолатномаси ҳамда васийлик ва ҳомийлик органининг хулосаси, шунингдек тақдим этилган материаллар асосида балоғатга етмаганлар билан ишлаш комиссияси текшириш далолатномаси ҳамда васийлик ва ҳомийлик органининг хулосаси олинган кундан бошлаб 20 кун мобайнида оилавий болалар уйи ташкил этиш мумкинлиги тўғрисида узил-кесил хулоса тузади ҳамда уни васийлик ва ҳомийлик органига тақдим этади.

Бунда тарбияловчи ота-она бўлишни хоҳловчи эр-хотиннинг шахсий сифатлари, уларнинг соғлиғи, болаларни тарбиялаш бўйича мажбуриятларни бажаришга лаёқати (тайёрлиги), ўзлари билан бирга яшайдиган бошқа оила аъзолари билан ўзаро муносабатлари эътиборга олиниши керак.

Ота-онасининг қаровисиз қолган болаларни тарбиялашда ижобий тажрибага ва педагогик маълумотга эга бўлган оилаларга (фарзандликка олувчиларга, васийларга, тутинган ота-оналарга) устунлик берилади.

10. Балоғатга етмаганлар билан ишлаш комиссиясининг салбий хулосаси тузилган кунидан бошлаб 5 кун мобайнида васийлик ва ҳомийлик органи томонидан аризачиларга етказилади. Айни бир вақтда аризачига барча ҳужжатлар қайтариб берилади ва хулоса юзасидан шикоят қилиш тартиби тушунтирилади. Хулоса юзасидан суд тартибида шикоят қилиниши мумкин.

11. Балоғатга етмаганлар билан ишлаш комиссиясининг хулосаси ижобий бўлган тақдирда васийлик ва ҳомийлик органи хулоса тузилган кундан бошлаб 5 кун мобайнида туман (шаҳар) ҳокимига оилавий болалар уйи ташкил этиш таклифини ҳокимнинг тегишли қарори лойиҳаси билан бирга ва барча ҳужжатларни илова қилган ҳолда киритади.

12. Туман (шаҳар) ҳокимининг оилавий болалар уйи ташкил этиш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кунидан бошлаб 5 кун мобайнида эр-хотинга етказилади.

13. Туман (шаҳар) ҳокимининг қарорига мувофиқ оилавий болалар уйини ташкил қилиш бўйича ташкилий масалаларни ҳал этиш, шу жумладан оилавий болалар уйи уставини тасдиқлаш, оилавий болалар уйи раҳбарини тайинлаш васийлик ва ҳомийлик органига юкланади. Оилавий болалар уйига раҳбарлик қилиш функцияси эр-хотиндан бирининг зиммасига юкланади.

Оилавий болалар уйи ташкил этиш учун хизмат турар жойи ажратиш тегишли уй-жой фонди мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

### III. Болаларни оилавий болалар уйига тарбиялаш учун бериш

14. Болалар оилавий болалар уйига туман (шаҳар) ҳокимининг қарори ҳамда васийлик ва ҳомийлик органининг тегишли йўлланмаси асосида берилади.

Болаларни оилавий болалар уйига бериш учун танлаб олиш эр-хотин томонидан васийлик ва ҳомийлик органлари билан биргаликда амалга оширилади.

15. Эр-хотиннинг болани тарбиялашга бериш тўғрисидаги илтимос билан бола яшаётган (жойлашган) жойдаги васийлик ва ҳомийлик органига қилган мурожаатномаси туман (шаҳар) ҳокимининг қарор қабул қилиши учун асос ҳисобланади.

Мурожаатномага туман (шаҳар) ҳокимининг оилавий болалар уйи ташкил этиш тўғрисидаги қарори нусхаси илова қилинади.

16. Тарбия ва тиббиёт, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларидан ёки уларнинг идоравий мансублигидан ва ташкилий шаклидан қатъи назар, бошқа шунга ўхшаш муассасалардан болани танлаб олишда ушбу муассасаларнинг маъмурияти болани оилавий болалар уйига тарбиялаш учун олишни хоҳловчи эр-хотинни боланинг шахсий йиғмажилди ва унинг соғлиғи тўғрисидаги тиббий хулоса билан таништириши шарт.

Муассаса маъмурияти бола тўғрисида тақдим этилаётган маълумотларнинг ишончлилиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

17. Оилавий болалар уйига тарбиялаш учун ота-онасининг қаровисиз қолган туғилганидан бошлаб ўн саккиз ёшгача бўлган болалар берилади.

Болани оилавий болалар уйига тарбиялаш учун беришда васийлик ва ҳомийлик органи боланинг манфаатларига амал қилади.

Болани оилавий болалар уйига тарбиялаш учун бериш унинг фикрини ҳисобга олган ҳолда (10 ёшдан бошлаб — фақат унинг розилиги билан) ҳамда бола яшаёт-

ган тарбия ёки тиббиёт, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаси ёки бошқа шунга ўхшаш муассаса маъмурияти розилиги билан амалга оширилади.

18. Оилавий болалар уйига тарбиялаш учун камида беш нафар, лекин кўпи билан ўн нафар бола берилади. Бунда янгидан ташкил этилган оилавий болалар уйига бир йўла камида беш нафар бола берилади. Қолган болалар уларнинг танлаб олинишига қараб берилиши мумкин.

Оилавий болалар уйидаги болаларнинг, шу жумладан никоҳдан ўтган эр-хотиннинг қарамоғидаги ўзининг ва фарзандликка олган болаларининг умумий сони ўн икки нафардан ошмаслиги керак.

Оилавий болалар уйидан болаларнинг 18 ёшга тўлиши ёхуд бошқа сабаблар бўйича кетишига қараб унга янги болалар олиниши мумкин.

Агар тарбияловчи ота-оналар ёхуд улардан биттаси 55 ёшга тўлса, шунингдек бу — бола манфаатига зид бўлса, у ҳолда оилавий болалар уйига янги болалар олишга йўл қўйилмайди.

Тарбияловчи ота-оналар ёхуд улардан биттаси 55 ёшга тўлса, оилавий болалар уйи ўз фаолиятини тарбияланувчи болалар ўн саккиз ёшга тўлгунгача ёхуд улар бошқа сабабларга кўра кетгунгача амалга оширади.

19. Ўзаро қариндош бўлган болалар, қоидага кўра битта оилавий болалар уйига берилади, улар тиббий кўрсаткичлар бўйича ёки бошқа сабабларга кўра бирга тарбияланиши мумкин бўлмаган ҳоллар бундан мустасно.

20. Оилавий болалар уйига берилаётган ҳар бир болага васийлик ва ҳомийлик органлари ёки бола уларнинг қўлида бўлган тарбия, даволаш муассасаси, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаси ва бошқа шунга ўхшаш муассаса қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

а) туғилганлик тўғрисида гувоҳнома;

б) боланинг ривожланиши тарихидан (янги туғилган чақалоқ тарихидан) соғлиғи тўғрисида кўчирма ва психоневрологнинг хулосаси,

в) маълумоти тўғрисидаги тегишли ҳужжат (мактаб ёшидаги болалар учун);

г) боланинг яшаш шароитларини текшириш далолатномаси;

д) ота-оналар тўғрисидаги маълумотлар (ўлим тўғрисидаги гувоҳнома, суднинг ҳукми ёки қарори, касаллик, ота-оналар қидируви тўғрисида маълумотнома ва ота-оналарнинг йўқлигини ёки улар ўз болаларини тарбиялай олмаслигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжатлар);

е) ака-укалар ва опа-сингиллар, бошқа яқин қариндошлар борлиги ва улар қаерда эканлиги тўғрисидаги маълумотнома;

ж) болага тегишли мол-мулк рўйхати ва ушбу мол-мулк сақланиши учун жавоб берадиган шахслар тўғрисидаги маълумотлар;

з) балоғатга етмаган бола илгари эгаллаб турган турар жойнинг унга бириктирилиши, уй-жойга ва (ёки) бошқа мол-мулкка мулк ҳуқуқи тўғрисидаги ҳужжатлар;

и) алимент ундириш тўғрисида суд қарорининг нусхаси, пенсия олиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатлар, пенсия оладиган болага пенсия гувоҳномаси, боланинг номига очилган қимматли қоғозлар, банк ҳисоб рақами мавжудлиги тўғрисидаги ҳужжатлар.

Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар бола оилавий болалар уйига қабул қилингандан кейин икки ҳафта муддатдан кечикмай бевосита тарбияловчи ота-оналарга берилади.

Боланинг оилавий болалар уйида бўлиши муддати боланинг яшаш жойи (турган жойи)даги васийлик ва ҳомийлик органи билан оилавий болалар уйи ўртасида тузиладиган шартномада белгиланади.

## IV. Тарбияловчи ота-оналар ва тарбияланувчи болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

21. Тарбияловчи ота-оналар тарбияланувчи болаларнинг қонуний вакиллари ҳисобланади, уларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини, шу жумладан судда, махсус ваколатларсиз ҳимоя қилади.

Тарбияловчи ота-оналар тарбияланувчи болаларга нисбатан васийлар (ҳомийлар) сифатида ҳуқуқларга эга бўладилар ва жавоб берадилар.

22. Тарбияловчи ота-оналар:

болани тарбиялашга;

унинг тинч-хотиржамлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишга (соғлиғи, маънавий ва жисмоний ривожланишига);

боланинг таълим олиши, шу жумладан касб-ҳунар таълими олиши учун зарур шарт-шароитлар яратишга, уни мустақил ҳаётга тайёрлашга ҳамда унинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлашга мажбурдир.

23. Тарбияловчи ота-оналарнинг ҳуқуқлари тарбияланувчи болаларнинг ҳуқуқларига зид равишда амалга оширилиши мумкин эмас.

24. Тарбияловчи ота-оналар болаларни тарбиялашда қонун ҳужжатларига ва халқаро нормаларга қатъий амал қиладилар.

Ўз мажбуриятларини бузишда айбдор бўлган ота-оналар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

25. Тарбияловчи ота-оналар узоқ вақт касал бўлганда ёки улар вафот этган тақдирда васийлик ва ҳомийлик органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи билан биргаликда ҳужжатларни ушбу оиланинг қўйиладиган барча талабларга жавоб берадиган бошқа аъзосига белгиланган тартибда қайта расмийлаштириш ва уни тарбияловчи ота-она деб тайинлаш ёхуд тарбияланувчи болаларни жойлаштиришнинг бошқа шаклларини белгилаш ҳуқуқига эгадир.

26. Оилавий болалар уйига берилган бола, агар бу боланинг (болаларнинг), нормал камол топиши, тарбияланишига зид бўлмаса, ўз ота-оналари, қариндошлари билан шахсий алоқада бўлиш ҳуқуқига эгадир. Ота-оналарнинг тарбияланувчи болалар билан алоқа қилишига тарбияловчи ота-оналарнинг розилиги билан йўл қўйилади. Низоли ҳолатларда тарбияланувчи болалар билан унинг ота-оналари, қариндошлари ва тарбияловчи ота-оналар ўртасидаги муомала тартиби васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан, бундай келишув бўлмаган тақдирда — суд томонидан ҳал этилади.

Оилавий болалар уйига берилган болани фарзандликка олиш ёки уни ўз ота-оналарига ёхуд қариндошларига қайтариш ҳокимнинг қарори билан амалга оширилади.

27. Оилавий болалар уйига берилган бола ўзига берилиши керак бўлган алиментга, ижтимоий нафақаларга, пенсияга (боқувчисини йўқотгандаги ҳолат, ногиронлик бўйича) ва қонун ҳужжатларида ота-оналарнинг ҳомийлигисиз қолган болалар учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ижтимоий имтиёзлар ва кафолатларга бўлган ҳуқуқни ўзида сақлаб қолади.

Тарбияловчи ота-оналарнинг болага тегишли бўлган юқорида айтиб ўтилган маблағлардан фойдаланиши тақиқланади.

28. Тарбияловчи ота-оналар тарбияланувчи болаларнинг мол-мулки (шу жумладан уй-жойи) жойлашган жойдаги васийлик ва ҳомийлик органлари билан биргаликда мол-мулкдан фойдаланиши ва сақланиши устидан назорат қилинишини таъминлайдилар.

29. Болаларни оилавий болалар уйига жойлаштириш тарбияловчи ота-оналар билан тарбияланувчи болалар ўртасида алимент билан боғлиқ ва оила тўғрисидаги қонунларда назарда тутилган мерос билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар келиб чиқишига олиб келмайди.

30. Оилавий болалар уйидан чиқиб кетишда ёки тарбия, даволаш муассасасига, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасасига ва бошқа шунга ўхшаш муассасага ўтказишда болага оилавий болалар уйида бўлганлик тўғрисидаги маълумотнома ва мазкур Низомнинг 20-бандида кўрсатилган ҳужжатлар берилади.

31. Тарбияланувчи болаларга тиббий хизмат кўрсатиш оилавий болалар уйи жойлашган жойдаги ҳудудий даволаш-профилактика муассасасининг тиббиёт ходимлари томонидан таъминланади.

32. Тарбияланувчи болалар таълим муассасаларида умумий асосда ўқийдилар.

33. Васийлик ва ҳомийлик органлари оилавий болалар уйига тарбиялаш учун берилган боланинг тинч-хотиржамлиги, соғлиғи (соғлиқни сақлаш органлари билан биргаликда) ва камол топиши, унинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя қилинишини ҳар ойда назорат қиладилар.

## V. Оилавий болалар уйи таъминоти ва уни моддий-техник таъминлаш

34. Оилавий болалар уйи таъминоти ва уни моддий-техник таъминлаш давлат бюджети маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар, ҳам Ўзбекистон Республикаси резидентлари, ҳам норезидентлари бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг хайрия эҳсонлари, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа тушумлар ҳисобига амалга оширилади.

35. Оилавий болалар уйининг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш халқ таълими муассасаларини молиялаштириш тегишли бўлимлари томонидан шартнома асосида бепул амалга оширилади.

36. Оилавий болалар уйи давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин ҳудудий молия органлари оилавий болалар уйининг штат жадвалини ва харажатлар сметасини рўйхатдан ўтказади.

37. Ҳар бир тарбияланувчи боланинг таъминоти учун «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари учун тасдиқланган нормативларга мувофиқ ҳар ойда оилавий болалар уйига:

озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, пойабзал, юмшоқ жиҳозлар, хўжалик юритишга, шахсий гигиенага, ўйинга мўлжалланган буюмлар, ўйинчоқлар, китоблар сотиб олишга;

соғломлаштириш, таълим ва маданий-оммавий тадбирларга пул маблағлари тўланади.

Оилавий болалар уйига тарбиялаш учун бир йилга ва ундан кўп вақтга берилаётган болага мебель ва зарур жиҳозлар сотиб олиш учун маблағлар ажратилади.

38. Оилавий болалар уйлари харажатлари сметаларида коммунал хизматларга (табиий газ, иссиқ сув, совуқ сув, канализация ва фойдаланиш харажатлари учун), электр энергиясига ҳақ тўлашга бюджет маблағлари назарда тутилади, оилавий болалар уйларининг бошқа харажатлари эса (жорий ва мукаммал таъмирлаш) бюджетдан ташқари маблағларни ва бошқа маблағларни жалб этиш ҳисобига амалга оширилади.

39. Оилавий болалар уйи муассасаларнинг ушбу тоифаси учун қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлардан фойдаланади.

40. Бюджетнинг ғазна ижросига ўтмаган минтақаларда оилавий болалар уйи таъминотига ажратиладиган пул маблағлари ҳар ойда белгиланган муддатларда унинг банк ҳисоб рақамларига ўтказилади.

Ғазна ижросига ўтган минтақаларда оилавий болалар уйлари харажатларини давлат бюджети маблағлари ҳисобига молиялаштириш учун белгиланган тартибда тасдиқланган ва рўйхатдан ўтказилган харажатлар сметаси асосида Ғазначилик бўлинмаларида ғазна ҳисоб рақамлари очилади.

Бюджетдан ташқари маблағларни ўтказиш учун оилавий болалар уйлари алоҳида банк ҳисоб рақамлари очишга ҳақлидир.

41. Оилавий болалар уйига берилган болалар таъминоти маблағлари қонун ҳужжатларида назарда тутилган барча нормалар ва имтиёзлар ҳисобга олинган ҳолда тўлиқ ҳажмда тўланиши керак. Тамом бўлган молиявий йил учун бирор-бир сабаб билан тўланмаган пул маблағлари кейинги молиявий йилда тўланиши керак.

Йил мобайнида фойдаланилмаган маблағлар олиб қўйилмайди ва улардан кейинги йилда ўша мақсадлар ва болаларнинг эҳтиёжлари учун фойдаланилади.

42. Тарбияловчи ота-оналар меҳнатига ҳақ тўлаш, уларни моддий рағбатлантириш ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа тўловлар белгиланган тартибда давлат бюджети ҳисобига амалга оширилади.

Оилавий болалар уйининг тарбияловчи ота-оналарига меҳнатга ҳақ тўлаш шартлари, ҳар йилги таътиллар бериш, шунингдек «Меҳрибонлик» уйлари тарбияловчилари учун белгиланган имтиёзлар ва кафолатлар, шу жумладан моддий рағбатлантиришнинг амалдаги турлари жорий этилади.

43. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 25 январдаги 33-сон қарорида етим болалар ва ота-онасининг қаровисиз қолган болалар учун назарда тутилган имтиёзлар оилавий болалар уйига берилган болаларга ҳам жорий этилади.

44. Оилавий болалар уйи мол-мулкни ва пул маблағларини, шу жумладан ҳадя сифатида олинган мол-мулк ва пул маблағларини, хайриялар, ҳомийлик маблағлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа манбалар маблағларини ўз хоҳишига кўра фақат болаларнинг эҳтиёжлари учун тасарруф қилишга ҳақлидир.

45. Оилавий болалар уйи тарбияланувчи болалар учун санаторийлар, дам олиш уйлари, соғломлаштириш оромгоҳларига имтиёзли, шу жумладан бепул йўлланмалар олиш ҳуқуқига эгадир.

46. Оилавий болалар уйини моддий қўллаб-қувватлаш ва тарбияланувчи болаларни мустақил ҳаётга ва меҳнатга тайёрлаш мақсадида оилавий болалар уйи васийлик ва ҳомийлик органи билан келишган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини ёки қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа фаолиятни ташкил этишга ҳақлидир.

47. Бюджетдан ажратилган маблағлар ҳисоби ва улардан фойдаланиш бўйича ҳисобот соддалаштирилган усулда, яъни тушган ва сарфланган давлат бюджети маблағлари ҳисоботда акс эттирилган ҳолда юритилади.

Ойлик ва чораклик ҳисоботлар халқ таълими муассасаларини молиялаштиришнинг тегишли бўлимларига топширилади.

## VI. Якунловчи қоидалар

48. Оилавий болалар уйининг мақоми охирги тарбияланувчи бола балоғатга етгунгача ва ишга жойлашгунга қадар сақланади.

49. Оилавий болалар уйини тугатиш ва қайта ташкил этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Агар оилавий болалар уйи давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб уч ой мобайнида унга болаларни тарбиялаш учун бериш таъминланмаса, у тугатилади.

Оилавий болалар уйи тугатилаётганда тарбияланувчи болалар қонун ҳужжатларига мувофиқ жойлаштирилиши керак.

50. Оилавий болалар уйи фаолияти тўхтатилган тақдирда унинг балансида бўлган давлат бюджети маблағлари ҳисобига сотиб олинган асосий активлар туман (шаҳар) ҳокимининг қарори бўйича «Меҳрибонлик» уйлари балансига бепул берилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## 319 Этил спиртининг сифати устидан назоратни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 7 ноябрдаги ПҚ–505-сон қарори бажарилишини таъминлаш, шунингдек ишлаб чиқарилаётган этил спиртининг сифати устидан назоратнинг самарали тизимини яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. «Ўзспиртсаноат» акциядорлик компанияси ва «Ўзстандарт» агентлиги икки ҳафта муддатда «Қўқон спирт», «Андижон биокимё заводи» ва «Янгийўл биокимё» очиқ акциядорлик жамиятларининг спирт сифатини аниқлаш бўйича ишлаб чиқариш лабораториялари, шу жумладан тегишли бинолари, асбоб-ускуналари, жиҳозлари, ўлчов воситалари, маълумотнома материаллари ва спиртнинг тўлақонли синаб кўрилиши учун зарур бўлган бошқа материаллари «Ўзстандарт» агентлигининг тегишли ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармалари балансига бепул, белгиланган тартибда қабул қилиниши-топширилишини амалга оширсинлар.

«Қўқон спирт», «Андижон биокимё заводи» ва «Янгийўл биокимё» очиқ акциядорлик жамиятлари кўрсатиб ўтилган лабораторияларнинг нормал ишлаши, шу жумладан «Ўзстандарт» агентлиги ҳузуридаги Алкоголли маҳсулотлар сифати бўйича давлат инспекцияси ходимларининг корхоналар ҳудудида тўсиқсиз бўлишлари учун зарур шарт-шароитларни таъминласинлар.

2. «Ўзстандарт» агентлиги бошқарув ходимларининг штатдаги сони олти нафарга кўпайтирилсин, улар Андижон, Фарғона ва Тошкент вилоятлари стандартлаштириш ва метрология бошқармалари бўйича икки нафардан тақсимлансин, «Ўзспиртсаноат» акциядорлик компаниясининг «Қўқон спирт», «Андижон биокимё заводи» ва «Янгийўл биокимё» очиқ акциядорлик жамиятларининг бошқарув ходимлари сони тегишли равишда қисқартирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги кўрсатиб ўтилган қўшимча штат

бирликлари меҳнатига ҳақ тўлаш учун бюджетдан зарур маблағлар ажратишни назарда тутсин.

3. Қуйидагилар:

«Ўзстандарт» агентлиги лабораторияларининг ишлаб чиқарувчи корхоналарда этил спиртининг сифатини аниқлаш бўйича харажатлари ишлаб чиқарилган этил спиртининг сифатини аниқлаш бўйича улар томонидан кўрсатилаётган хизматларга ҳақ тўлаш ҳисобидан қопланиши;

«Ўзстандарт» агентлиги лабораторияларининг ишлаб чиқарилган этил спирти туркумларининг сифатини аниқлаш бўйича хизматларига чекланган тарифлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланиши белгилаб қўйилсин.

4. Белгилансинки, 2007 йил 1 сентябрдан бошлаб спирт ишлаб чиқарувчи корхоналарда ишлаб чиқарилган этил спирти-ректификат фақат «Ўзстандарт» агентлигининг спирт сифатини аниқлаш лабораторияларида Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган стандартларга мувофиқлиги бўйича текширишдан ўтгандан кейин тайёр маҳсулотлар омборига топширилади.

5. Қуйидагилар:

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ҳузуридаги Алкоголли маҳсулотлар сифати бўйича давлат инспекцияси тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

стандартлаштириш ва метрология ҳудудий бошқармаларининг намунавий тузилмаси ҳамда стандартлаштириш ва метрология ҳудудий бошқармалари ходимларининг чекланган сони 2 ва 3-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 4-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

7. «Ўзстандарт» агентлиги Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда идоравий норматив ҳужжатларнинг мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Р.С. Азимов ва Қ.С. Санақулов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 31 июль,
159-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 31 июлдаги 159-сон қарорига
1-ИЛОВА

## Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ҳузуридаги Алкоголли маҳсулотлар сифати бўйича давлат инспекцияси тузилмаси




Ҳаммаси 25 киши.

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 31 июлдаги 159-сон қарорига
2-ИЛОВА

## Ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармаларининг намунавий тузилмаси




Ходимларнинг чекланган жами сони — 194 киши, шу жумладан: бошқарув ходимлари — 151 киши, хизмат кўрсатувчи ходимлар — 24 киши, техник ходимлар — 19 киши.

* Андижон, Фарғона ва Тошкент вилоят ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармалари ҳузурида этил спирти сифатини аниқлаш лабораториялари фаолият кўрсатади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 31 июлдаги 159-сон қарорига
3-ИЛОВА

## Ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармалари (СМБ) ходимларининг чекланган сони

| Т/р | Ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармалари | Ходимларнинг чекланган сони | шу жумладан: | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | бошқарув ходимлари | хизмат кўрсатувчи ходимлар | техник ходимлар |
| 1. | Қорақалпоғистон СМБ | 11 | 8 | 2 | 1 |
| 2. | Андижон СМБ | 12 | 10 | 1 | 1 |
| 3. | Бухоро СМБ | 12 | 9 | 2 | 1 |
| 4. | Жиззах СМБ | 8 | 6 | 1 | 1 |
| 5. | Қашқадарё СМБ | 15 | 11 | 2 | 2 |
| 6. | Навоий СМБ | 8 | 6 | 1 | 1 |
| 7. | Наманган СМБ | 10 | 8 | 1 | 1 |
| 8. | Самарқанд СМБ | 20 | 15 | 3 | 2 |
| 9. | Сурхондарё СМБ | 9 | 7 | 1 | 1 |
| 10. | Сирдарё СМБ | 9 | 7 | 1 | 1 |

| Т/р | Ҳудудий стандартлаштириш ва метрология бошқармалари | Ходимларнинг чекланган сони | шу жумладан: | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | бошқарув ходимлари | хизмат кўрсатувчи ходимлар | техник ходимлар |
| 11. | Фарғона СМБ | 22 | 18 | 2 | 2 |
| 12. | Хоразм СМБ | 9 | 7 | 1 | 1 |
| 13. | Тошкент вилояти СМБ | 22 | 18 | 2 | 2 |
| 14. | Тошкент шаҳар СМБ | 27 | 21 | 4 | 2 |
| | | | | | |
| | **Ҳаммаси** | **194** | **151** | **24** | **19** |

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 31 июлдаги 159-сон қарорига
4-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Алкоголли маҳсулотлар сифати бўйича давлат инспекцияси фаолияти масалалари тўғрисида» 2000 йил 17 январдаги 13-сон қарорида:

а) 1-банддаги «1 ва 2-иловаларга мувофиқ» сўзлари «1-иловага мувофиқ» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловада:

6-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«Алкоголли маҳсулотлар сифати бўйича давлат инспекцияси бошлиғи лавозимига кўра айни бир пайтда Стандартлар ва ўлчовларнинг ягоналиги таъминланишини назорат қилиш бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат бош инспекторининг алкоголли маҳсулотлар ва спирт сифатини назорат қилиш масалалари бўйича ўринбосари ҳисобланади»;

9-бандга қуйидаги мазмундаги хатбоши қўшилсин:

«ишлаб чиқарувчи корхоналарда ишлаб чиқарилган этил спиртининг ҳар бир туркумидан намуналарни уларнинг сифати норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида синаб кўрадилар ҳамда синаб кўриш натижалари бўйича этил спирти туркумининг мувофиқлиги ёхуд ишлаб чиқариш циклига уни қўшимча ишлов бериш учун қайтариш зарурлиги тўғрисида хулоса берадилар»;

в) 2-илова чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон давлат стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги тузилмасини такомиллаштириш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 5 августдаги 373-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 8-сон, 77-модда) 2-бандининг бешинчи хатбоши ва қарорга 4 ва 4а-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 320 Республика нейрохирургия илмий марказининг моддий-техника базасини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида

Республика нейрохирургия илмий марказининг моддий-техника базасини, фаолият кўрсатиши учун шарт-шароитларни янада яхшилаш ҳамда Тошкент шаҳар турғун соғлиқни сақлаш муассасалари тармоғини мақбуллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Тошкент трактор заводи» очиқ акциядорлик жамиятининг Республика нейрохирургия илмий марказига «Тошкент трактор заводи» очиқ акциядорлик жамиятининг Тиббиёт-санитария қисми биноларини (шу жумладан қурилиши тугалланмаган биноларини) текин бериш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

«Тошкент трактор заводи» очиқ акциядорлик жамияти (Исаев) ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Назиров) бир ой муддатда «Тошкент трактор заводи» очиқ акциядорлик жамияти Тиббиёт-санитария қисми бинолари, иншоотлари ва асбоб-ускуналари белгиланган тартибда Республика нейрохирургия илмий маркази балансига берилишини таъминласинлар.

Белгилаб қўйилсинки, балансдан балансга текин берилаётган бинолар (шу жумладан қурилиши тугалланмаган бинолар), иншоотлар ва асбоб-ускуналар қиймати солиқ солиш объекти ҳисобланмайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги икки ой муддатда белгиланган тартибда:

Республика нейрохирургия илмий маркази қувватларини, унинг ташкилий тузилмасини, штатлар жадвалини ва харажатлар сметасини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида қайта рўйхатдан ўтказсин;

Республика нейрохирургия илмий марказининг таркибий бўлинмалари «Тошкент трактор заводи» очиқ акциядорлик жамияти Тиббиёт-санитария қисмининг фойдаланилаётган биносида жойлаштирилишини таъминласин;

Республика нейрохирургия илмий маркази балансига қабул қилинаётган фойдаланилаётган бинолар ва иншоотларни мукаммал таъмирлаш бўйича, қўшимча операция блоклари, реанимация бўлими ва лабораториялар ташкил этишни ҳисобга олган ҳолда, тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларини, шунингдек юқори технологияли тиббиёт асбоб-ускуналарини демонтаж қилиш ва ўрнатиш харажатларига эҳтиёж ҳисоб-китобларини кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги киритсин;

Республика нейрохирургия илмий маркази балансига берилаётган 6 қаватли бинонинг қурилишини тугаллаш лойиҳасининг техник-иқтисодий асосланиши ишлаб чиқилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Республика нейрохирургия илмий маркази балансига қабул қилинаётган фойдаланилаётган бинолар ва иншоотларни мукаммал таъмирлашга, шунингдек Республика нейрохирургия илмий марказининг юқори технологияли тиббиёт асбоб-ускуналарини демонтаж қилиш ва ўрнатиш учун лойиҳа-смета ҳужжатлари ва асослан-

ган ҳисоб-китоблар асосида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Захира жамғармасидан зарур бюджет маблағлари ажратсин;

Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети ва республика бюджети харажатларининг тасдиқланган параметрларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

4. Тошкент шаҳар ҳокимлиги (Тўхтаев) Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан биргаликда:

«Тошкент трактор заводи» очиқ акциядорлик жамияти Тиббиёт-санитария қисмининг бўшаётган койка-ўринлари ва штатларини қайта тақсимлаш масаласини ҳал қилсин;

врачлар ва ўрта тиббиёт ходимлари ишга жойлаштирилишини, шунингдек илгари «Тошкент трактор заводи» очиқ акциядорлик жамияти Тиббиёт-санитария қисми томонидан хизмат кўрсатиб келинган завод ходимлари ва аҳоли ҳудудий тиббиёт муассасаларига бириктирилишини таъминласин.

5. Республика нейрохирургия илмий марказининг Тошкент шаҳар Каблуков кўчаси, 5-уйда жойлашган собиқ биносини сотишдан олинган маблағлар, етмаган қисми бўйича — давлат бюджети маблағлари стационарнинг 6 қаватли биноси қурилишини тугаллашни молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ва Молия вазирлиги 2008 йилги ва кейинги йиллар Инвестиция дастурини шакллантиришда кўрсатиб ўтилган объект қурилишини тугаллаш учун зарур молиявий ресурслар ажратсинлар.

6. Қуйидагилар:

«Тошкент трактор заводи» очиқ акциядорлик жамияти Тиббиёт-санитария қисми биноларини Республика нейрохирургия илмий маркази учун реконструкция қилиш бўйича — «Ўзтиблойиҳа» масъулияти чекланган жамият;

марказий транспорт магистралидан Республика нейрохирургия илмий маркази ҳудудига олиб келадиган йўллар бўйича — «ТошкентбошпланЛИТИ» давлат унитар корхонаси лойиҳаларни ишлаб чиқувчилар этиб белгилансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (Тохтаев) кўрсатиб ўтилган лойиҳаларнинг Давлат шаҳарсозлик экспертизасидан ўтказилишини таъминласин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Н.М. Ханов ва Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 1 август,
160-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## 321 Республика олий спорт маҳорати мактабларини ташкил этиш тўғрисида

Мутахассислар ҳамда кенг спорт жамоатчилиги фикрини ҳисобга олган ҳолда, шунингдек Ўзбекистонда гимнастикани жадал ривожлантириш ва мамлакатимиз шарафини халқаро майдонларда муносиб ҳимоя қилишга қодир бўлган юқори малакали спортчиларни тайёрлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг:

Спортнинг оммавий турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабини унинг мавжуд қувватлари ва штатдаги ходимлари сони негизида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳузуридаги Гимнастика бўйича республика олий спорт маҳорати мактабига айлантириш тўғрисидаги;

Спортнинг қишки турлари бўйича олимпия захиралари республика ихтисослаштирилган болалар-ўсмирлар мактабини Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳузуридаги Спортнинг қишки ва мураккаб техник турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабига айлантириш, унинг таркибига Спортнинг оммавий турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабидан велоспорт, ўқ отиш (ўқ отиш ва стендга ўқ отиш) ҳамда триатлон бўлимларини бериш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Гимнастикани спорт гимнастикаси, бадиий гимнастика, трамполин ва акробатика каби спорт турлари бўйича юқори натижаларга эришиш спорти сифатида ривожлантириш Гимнастика бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби фаолиятининг асосий йўналиши ҳисобланиши белгилаб қўйилсин.

3. Қуйидагилар:

гимнастлар томонидан Олимпия ва Осиё ўйинларида, Жаҳон, Осиё чемпионатлари ва кубокларида ҳамда бошқа нуфузли халқаро мусобақаларда эришилган натижалар;

мактаб тренер-ўқитувчилар таркибининг малака даражаси Гимнастика бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби фаолиятини баҳолаш мезонлари этиб белгилансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан биргаликда:

молиялаштиришнинг амалдаги нормативлари асосида, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлигига қарашли ўқув юртлари учун 2007 йилда республика бюджети параметрларида назарда тутилган маблағлар доирасида Гимнастика бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби таъминоти учун бюджетдан маблағлар ажратишни назарда тутсин;

2008 йилдан бошлаб Гимнастика бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби таъминоти ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун зарур бўлган қўшимча бюджет маблағлари ажратишни назарда тутсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Қосимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 1 август,
161-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## 322 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2006 йил 26 октябрдаги 218-сон қарорига ўзгартириш киритиш ҳақида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» 2007 йил 10 июлдаги ПФ–3889-сон Фармони)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида» 2007 йил 10 июлдаги ПФ–3889-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2006 йил 26 октябрдаги 218-сон қарорининг 1-бандидаги «12420» рақами «15525» рақами билан алмаштирилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 7 август,
166-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

## 323 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари лавозимини киритиш тўғрисида» 2007 йил 28 июндаги ПҚ–661-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари лавозимини киритиш тўғрисида» 2007 йил 28 июндаги ПҚ–661-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикасининг**
**Бош вазири** **Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 8 август,
168-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 8 августдаги 168-сон қарорига
1-ИЛОВА

### Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида» 2000 йил 13 мартдаги 87-сон қарорида:

а) 1-банднинг учинчи хатбоши, шунингдек қарорга 2, 2а, 4 ва 5-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) 2-банднинг иккинчи хатбошидаги «тўрт» сўзи «беш» сўзи билан алмаштирилсин;

в) 4-бандда:

иккинчи хатбошидаги «4-иловага мувофиқ» сўзлари чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошидаги «5-иловага мувофиқ» сўзлари чиқариб ташлансин;

г) 5-банднинг иккинчи хатбошидаги «биринчи ўринбосарига» сўзлари «ўринбосарига» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш тўғрисида» 2000 йил 5 майдаги 180-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 5-сон, 23-модда):

а) 3-илова 6.1.-бандининг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Кадрлар билан ишлаш бошқармаси»;

б) 4-иловада:

1.3.-банднинг биринчи хатбошидаги «биринчи» сўзи чиқариб ташлансин;

6.1.-банднинг учинчи ва тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Назорат текширишларини ва қисқа муддатли текширишларни ташкил этиш бўлими;

Маъмурий амалиёт ва назоратни ташкил этиш бўлими»;

6.2.-банддаги «биринчи» сўзи чиқариб ташлансин.

Вазирлар Маҳкамасининг
2007 йил 8 августдаги 168-сон қарорига
2-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг фаолияти масалалари тўғрисида» 1995 йил 10 январдаги 10-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасида Валюта ва экспорт-импорт операцияларини назорат қилиш бош бошқармасини ташкил этиш тўғрисида» 1996 йил 11 мартдаги 88-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1996 й., 3-сон, 10-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларини тўлиқ ёки қисман ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳамда айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 1998 йил 16 апрелдаги 161-сон қарорига 2-илованинг 5-банди.

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

### 324 Ўзбекистон Республикасида уй меҳнатини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 28 июлда 487-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 7 августдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 январдаги 4-сонли «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик соноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 5 январдаги ПФ–3706-сонли Фармонини амалга ошириш ҳақида»ги қарори қабул қилинганлиги муносабати билан **қарор қиламиз:**

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1998 йил 5 августдаги қарори билан тасдиқланган (1998 йил 28 август, рўйхат рақами 487) Ўзбекистон Республикасида уй меҳнатини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири в.б.** **А. ХАИТОВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 16 июль,
М-35-сон

**Иқтисодиёт вазири** **Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 16 июль,
26-сон

**Соғлиқни сақлаш вазири** **Ф. НАЗИРОВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 16 июль,
10-сон

**Келишилган:**

**Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши** — **Д. ЖАХОНГИРОВА**

Тошкент ш.,
2007 йил 16 июль

**Савдо-саноат палатаси** — **А. ШАЙХОВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 16 июль

**Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси** — **Г. МАРУФОВА**

Тошкент ш.,
2007 йил 16 июль

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНК БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

## 325 Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 28 июлда 773-24-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди***

***(2007 йил 7 августдан кучга киради)***

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 7 ва 51-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 17 июлдаги 15/3-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режаси»га (2004 йил 13 август, рўйхат рақами 773-17 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлар тўплами, 2004 йил, 32-сон, 369-модда) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб 10 кундан сўнг кучга киради.

---

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Марказий банк раисининг ўринбосари М.Ё. Эшматов зиммасига юклатилсин.

**Марказий банк**
**Бошқаруви раиси** **Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 30 июнь,
18/4-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

## 326 Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 28 июлда 1136-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди***

***(2007 йил 7 августдан кучга киради)***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 18 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги ПҚ–532-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида **буюраман:**

1. Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги (2002 йил 8 май, рўйхат рақами 1136) низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олингандан сўнг ўн кундан кейин амалга киритилсин.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий**
**муҳофаза қилиш вазири в.б.** **А. ХАИТОВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 25 июнь,
М-31-сон

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза
қилиш вазири в.б. 2007 йил 25 июндаги
М-31-сонли буйруғига
ИЛОВА

## Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. 1-бандидаги «вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик учун» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. 1-банд қуйидаги мазмундаги иккинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«2007 йил 1 январдан бошлаб вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизларга нафақа тўлаш билан боғлиқ харажатлар:

Бюджет ташкилотлари томонидан — меҳнат ҳақи жамғармасига ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида;

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан — фойда солиғини ҳисоблашда мазкур харажатлар солиққа тортиладиган базадан чиқариб ташланган ҳолда шахсий маблағлари ҳисобидан амалга оширилади».

3. Мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазири, Соғлиқни сақлаш вазири, Марказий банк раиси, Давлат солиқ қўмитаси раиси ва Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси билан келишилган.

***Молия вазири*** — *Р. АЗИМОВ*

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 25 июнь*

***Соғлиқни сақлаш вазири*** — *Ф. НАЗИРОВ*

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 25 июнь*

***Марказий банк***
***Бошқаруви раиси*** — *Ф. МУЛЛАЖОНОВ*

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 25 июнь*

***Давлат солиқ***
***қўмитаси раиси*** — *Б. ПАРПИЕВ*

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 25 июнь*

***Ўзбекистон Касаба уюшмалари***
***Федерацияси Кенгаши раиси*** — *Д. ЖАХОНГИРОВА*

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 25 июнь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ РАИСИНИНГ
БУЙРУҒИ

## 327 Ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланиш тўғрисидаги рухсатномалар намуналарини ҳамда ўрмон фонди ерларида ёввойи ҳолда ўсувчи доривор, озиқ-овқатбоп ва техник ўсимликларни териш ва тайёрлаш учун рухсатнома, ўрмон фондининг яйлов ҳудудларида пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш учун ўрмон чипталари, шунингдек ўрмон фонди ҳудудларида дарахт кесиш учун чипта бланкаларини тўлдириш ва ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 3 августда 1700-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 13 августдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 октябрдаги 508-сон қарори билан тасдиқланган «Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш тартиби тўғрисида низом» ҳамда «Республика ўрмонларини ҳимоя қилиш бўйича айрим меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 1999 йил 22 ноябрдаги 506-сон қарори талабларига мувофиқ, ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланиш тўғрисидаги рухсатномалар намуналарини тасдиқлаш ҳамда ўрмон фонди ерларида ёввойи ҳолда ўсувчи доривор, озиқ-овқатбоп ва техник ўсимликларни териш ва тайёрлаш учун рухсатнома, ўрмон фондининг яйлов ҳудудларида пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш учун ўрмон чипталари, шунингдек ўрмон фонди ҳудудларида дарахт кесиш учун чипта бланкаларини тўлдириш ва ҳисобини юритишни тартибга солиш мақсадида **буюраман:**

1. Қуйидагилар:

а) Ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланиш тўғрисидаги рухсатномалар намуналари:

«Ўрмон фонди ерларида ёввойи ҳолда ўсувчи доривор, озиқ-овқатбоп ва техник ўсимликларни териш ва тайёрлаш учун рухсатнома» 1-иловага мувофиқ;

«Ўрмон фондининг яйлов ҳудудларида пичан ўриш учун ўрмон чиптаси» 2-иловага мувофиқ;

«Ўрмон фондининг яйлов ҳудудларида чорва молларини ўтлатиш учун ўрмон чиптаси» 3-иловага мувофиқ;

«Ўрмон фонди ҳудудларида дарахт кесиш учун чипта» 4-иловага мувофиқ;

б) Ўрмон фонди ерларида ёввойи ҳолда ўсувчи доривор, озиқ-овқатбоп ва техник ўсимликларни териш ва тайёрлаш учун рухсатнома, ўрмон фондининг яйлов ҳудудларида пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш учун ўрмон чипталари, шунингдек ўрмон фонди ҳудудларида дарахт кесиш учун чипта бланкаларини тўлдириш ва ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан ўн кун ўтгандан сўнг кучга киритилсин.

3. Ушбу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш Давлат бионазорати бошлиғи К. Абидовга юклатилсин.

**Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раис** **Б. АЛИХОНОВ**

Тошкет ш.,
2007 йил 17 июль,
68-сон

1-илова

серия № **00000**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI O‘RMON XO‘JALIGI BOSH BOSHQARMASI**
**Главное управление лесного хозяйства Республики Узбекистан**

---

RUXSATNOMA №__________
**РАЗРЕШЕНИЕ**
**O‘rmon fondi yerlarida yovvoyi holda o‘suvchi dorivor, oziq-ovqatbop va texnik o‘simliklarni terish va tayyorlash uchun**
на сбор и заготовку дикорастущих лекарственных, пищевых и технических растений на землях лесного фонда

**Beridi** ____________________________________________ **ga**
Выдано
______________________ **viloyati,** ______________________ **tumahi,**
(область) (район)
______________________ **o‘rmon ho‘jaligining** ______________________ **o‘rmon bo‘limi**
(название лесного хозяйства) (участок)
______________________ **aylanma** ____________ **bo‘lagi** ________________ **sarhad**
(№ квартала) (№ выдела) (контур)

**qo‘riqxonalar va boshqa tabiiy muhofaza etiladigan hududlaridan tashqari qonun buyicha**
кроме территорий заповедников и других охраняемых природных территорий в соответствии с законодательством

| **Tur nomi**<br>Название вида | **Miqdori**<br>Количество | **Muddati**<br>Срок |
|---|---|---|

**Asos;** ____________________________________________
На основании

**O‘rmon xo‘jaligi bosh boshqarmasi boshlig‘i** **M. O‘.** ____________________
Начальник Главного управления лесного хозяйства **М.П.** (Imzo) (подпись)

«___» ______________20 yil
год

Amal qilish muddati tugagandan so‘ng terilgan va tayorlangan o‘simlik hisobi bilan birga ruxsatnoma berilgan joyga 10 kun muddat ichida qaytariladi.
По окончании срока действия в течение 10 дней с отчетом о заготовке растений возвращается по месту получения.

НАМУНА

---

2-илова

серия А **№ 000000**

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI O‘RMON XO‘JALIGI BOSH BOSHQARMASI**
**Главное управление лесного хозяйства Республики Узбекистан**

**O‘rmon fondining yaylov hududlarida pichan o‘rish uchun**
**O’RMON CHIPTASI №_______**
**ЛЕСНОЙ БИЛЕТ**
**для сенокошения на пастбищных территориях лесного фонда**

«____» _____________ 20__ y.
г.

**O‘rmon xo‘jaligi** ______________________________________________
Лесхоз

**O‘rmon bo‘limi** ______________________________________________
Лесничества

**Aylanma** ___________ **bo‘lagi** ______________________________________
Обход квартал

**Foydalanuvchi** ______________________________________________
Пользователь
(F.I.Sh. passport raqami)
Ф.И.О, данные паспорта)

Foydalanuvchining manzili ______________________________________
Адрес пользователя

_________________________________-son tuzilgan shartnomaga asosan
на основании договора

**Qo‘riqxonalar va boshqa tabiiy muhofaza hududlaridan, tabiat yodgorliklaridan hamda o‘rmon bilan qoplangan hududlardan tashqari hududlarda, qonun bo‘yicha**
За исключением территорий заповедников и других охраняемых природных территорий, памятников природы, а также на землях, покрытых лесами, в соответствии с законодательством.

**Ajratilgan maydon o‘lchami(ga)**
Выделенная площадь (га) ______________________________________

**O‘rmon bileti muddati** ______________________**dan** __________________________**gacha**
Срок действия лесного билета с **до**

**Asos:** ______________________________________________________
Основание

**O‘rmon xo‘jaligi direktori** **M.O‘** ______________________
**Директор лесного хозяйства** М.П **(**imzo) (подпись)

**Foydalanuvchi**__________________________ «______» __________ 20___ yil
Пользователь год

НАМУНА

2-иловани орқа томони

## ESLATMA

O‘rmon fondi hududlarida o‘zboshimchalik bilan pichan o‘rish uchun javobgarlik

Pichan o‘rish faqat o‘rmon chiptasida ko‘rsatilgan joylarda ruhsat etiladi. O‘rmon chiptasida ko‘rsatilgan joydan tashqarida va o‘zboshimchalik bilan chiptasiz pichan o‘rganlik uchun O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasining 1995 yil 27 iyuldagi 293-son qaroriga asosan quyidagi miqdorda jarima undiriladi:

| **Pichanzorlardan o‘zboshimchalik bilan o‘t o‘rib olgan har bir gektar uchun** | **Fuqarolarga belgilanadigan tovon miqdori** |
|---|---|
| pichanzor va yaylovzorlarda ekilgan o‘tlar | eng kam oylik ish haqining 10 foizi |
| yahshilangan tabiiy | eng kam oylik ish haqining 5 foizi |
| yahshilanmagan tabiiy | eng kam oylik ish haqining 3 foizi |
| pichanzorlardan tashqari hududlarda | eng kam oylik ish haqining 4,5 foizi |

## ПАМЯТКА

Ответственность за самовольное сенокошение на территориях лесного фонда

Сенокошение разрешается только в местах, указанных в лесном билете. В соответствии с постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 27 июля 1995 г. № 293, за самовольное сенокошение взыскиваются исчисления в следующих размерах:

| При самовольном сенокошении за каждый гектар на сенокосных и пастбищных угодьях | |
|---|---|
| сеянные травы | 10 % от установленной минимальной зарплаты |
| улучшенные естественные | 5,0 % от установленной минимальной зарплаты |
| Естественные, не улучшенные | 5,0 % от установленной минимальной зарплаты |
| на участках вне сенокосных угодий | 4,5 % от установленной минимальной зарплаты |

**O‘rmondan foydalanuvchi shaxsini tasdiqlovchi hujjatga ega bo‘lishi kerak**
Лесопользователь должен иметь при себе документы, подтверждающие личность.

**O‘rmondan foydalanish qoidalari bilan tanishib chiqdim:**

________________________________ (F.I., imzo)

С правилами пользования лесом ознакомлен (Ф.И., подпись)

«___» ____________ 20___ yil
год

НАМУНА

серия А № **000000**

3-илова

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI O‘RMON XO‘JALIGI BOSH BOSHQARMASI**
**Главное управление лесного хозяйства Республики Узбекистан**

**O‘rmon fondining yaylov hududlarida chorva mollarini o‘tlatish uchun**
**O’RMON CHIPTASI №______**
**ЛЕСНОЙ БИЛЕТ**
**для выпаса скота на пастбищных территориях лесного фонда**

«_____» ____________ 20__ y.
г.

**O‘rmon xo‘jaligi** ________________________________________
Лесхоз
**O‘rmon bo‘limi** ________________________________________
Лесничества
**aylanmasi** ____________ **bo‘lagi** _________ **ajratilgan maydon** ____________________
Обход квартал выделенная площадь (га)

**Foydalanuvchi** ________________________________________
**Пользователь**
(F.I.Sh. passport raqami)
(Ф.И.О. номер паспорта)

Foydalanuvchining manzili ________________________________________
Адрес пользователя

____________ **- sonli shartnomaga asosan quyidagi mollar soniga boqishga ruxsat berildi**
на основании договора разрешается выпас скота в следующем количестве

**Yirik shoxli mollar soni**
Количество крупного рогатого скота:
**а) Tuyalar** ________________________________________
Верблюды
**б) Otlar** ________________________________________
Лошади
**в) Qoramollar** ________________________________________
Круп .рогат. скот
**Mayda shoxli mollar soni:**
Количество мелкого рогатого скота :
**а) Qo‘ylar** ________________________________________
Овцы
**б) Echkilar** ________________________________________
Козы

**Foydalanish muddati** ____________________dan ______________________________ gacha
Срок пользования с до

**O‘rmon xo‘jaligi direktori** _____________________________
Директор лесхоза

**Bosh o‘rmonchi**________________________________ M.O‘
Главный лесничий М.П.

**Bosh hisobchi** ________________________________
Главный бухгалтер

**Foydalanuvchi** ________________________________
Пользователь

НАМУНА

3-иловани орқа томони

## ESLATMA

O'rmon fondi yaylovlarida o'zboshimchalik bilan chorva mollarini o'tlatish uchun javobgarlik

Chorva mollarini o'tlatish faqat o'rmon chiptasida ko'rsatilgan joylarda o'rmonchi tomonidan ko'rsatib berilgandan so'ng ruxsat etiladi. O'rmon chiptasida ko'rsatilgan joydan tashqarida va chiptasiz o'zboshimchalik bilan chorva mollarini o'tlatilsa, O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Maxkamasining 1995 yil 27 iyuldagi 293-sonli qaroriga asosan quyidagi miqdorda jarima undiriladi:

| | |
|---|---|
| 1. Yaylovlarda:<br>2-yoshdan katta bo'lgan har bir qora mol, ot, tuya, va echkiga | Eng kam oylik ish haqining 0,5 foizi |
| 2-yoshgacha bo'lgan har bir qora mol, ot, tuya, va qo'y uchun | Eng kam oylik ish haqining 0,2 foizi |
| 2. Yaylovlardan tashqari<br>2-yoshdan katta bo'lgan har bir qora mol, ot, tuya, va echkiga | Eng kam oylik ish haqining 0,7 foizi |
| 2-yoshgacha bo'lgan har bir qora mol, ot, tuya, va qo'y uchun | Eng kam oylik ish haqining 0,3 foizi |

O'rmondan foydalanuvchi shaxsini tasdiqlovchi hujjatga ega bo'lishi kerak.

## ПАМЯТКА

Ответственность за самовольный выпас скота на пастбищах лесного фонда

Выпас скота разрешается только в местах, указанных в лесном билете, и после указания лесником места выпаса. За выпас скота в местах, не указанных в лесном билете, а также самовольный выпас скота, исчисляются взыскания в размерах в соответствии с постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 27 июля 1995 года № 293.

| | |
|---|---|
| 1. На пастбищных угодьях:<br>с головы крупного рогатого скота: лошадей, верблюдов и коз | 0,5% от установленной минимальной зарплаты |
| С головы молодняка крупного рогатого скота, в возрасте до 2-х лет: лошадей, верблюдов, овец | 0,25%от установленной минимальной зарплаты |
| 2. На участках вне пастбищных угодий:<br>с головы крупного рогатого скота: лошадей, верблюдов и коз | 0,7% от установленной минимальной зарплаты |
| С головы молодняка крупного рогатого скота, в возрасте до 2-х лет: лошадей, верблюдов, овец | 0,3% от установленной минимальной зарплаты |

Лесопользователь должен иметь при себе документы, подтверждающих личность.

**O'rmondan foydalanish qoidalari bilan tanishib chiqdim:** ____________________________
(F.I., imzo) (Ф.И., подпись)
С правилами пользования лесом ознакомлен

«____» _____________ 20____ yil

год

серия А № **000000**

4-илова

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI O‘RMON XO‘JALIGI BOSH BOSHQARMASI**
**Главное управление лесного хозяйства Республики Узбекистан**

**O‘rmon fondi hududlarida**

**DARAXT KESISH UCHUN CHIPTA №_____**
**ЛЕСОРУБОЧНЫЙ БИЛЕТ**
**Для территорий лесного фонда**

**O‘zbekiston Respublikasi** ___________________ **viloyati** «____» __________ 200__ y.
**Республики Узбекистан** **область** г.

| | |
|---|---|
| **O‘rmon xo‘jaligi**____________________________<br>Лесхоз<br>**O‘rmon bo‘limi**____________________________<br>Лесничества<br>**Foydalanish turi**___________________________<br>Вид пользования | **Kesish Turi**______________________<br>Способ рубки<br>________________________________<br>**Hisoblash usuli**___________________<br>Способ учета |

Asosida
_____________________________________________________________________________
На основании
200__ yil O‘rmon kesish fondi hisobidan _____м$^3$ ishbop _____м$^3$ o‘tin ____м$^3$ shox-shabba, jami ___м$^3$yog‘och
г. вырубить в счет лесосечного фонда __ м$^3$ деловой __м$^3$ дрова __м$^3$ хворост итого __м$^3$ древесина
Mahsulotlarni kesishga ruhsat etiladi
Разрешается рубка

| **O‘rmonlar guruhi** Группа лесов | **Kvartallar** Кварталов №№ | **Bo‘laklar** Делянки | | **Yosh darahtlarni saqlab qolishni ta’minlash** Обеспечить сохранение подроста | | **Yog‘ochni miqdori zich m$^3$ hisobida** Масса древесины в плотных куб. м | | | | **Sotiladigan 1m$^3$ yog‘och mahsulotning narhi so‘m hisobida** Стоимость по таксе в сумах | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | № | **Hudud** терри-тория | **Ga maydonda** на площади, га | **1ga da ming dona hisobidan** кол-во, тыс. шт. на 1га | **ishbop** деловой | **o’tin-bop** дровя-ной | **shoh-shabbasi** хворост | **jami** итого | **Ish bop** дело-вой | **o’tin-bop** дровя-ной | **Shoh-shab-basi** хво-рос |
| | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | |
| | | | | | | | | | | | | |

**Tayyorlangan o‘rmon maxsulotiga to‘lanadigan haqni xo‘jalik g‘aznasiga kirim qilish muddatlari**___
Срок внесения в кассу лесхоза платы за заготовляемую лесопродукцию
_____________________________________________________________________________

**Kesilmasligi kerak** ____________________________________________________
Рубке не подлежат (Urug’li darahtlar va boshqa noyob darahtlar turi, ularning bo’laklar bo’yicha soni)
_____________________________________________________________________________
(количество семенников, семенных куртин и других деревьев по каждой делянке)

**Yog‘och tayyorlashni tugatish muddati** «____» ___________________ 200____ y.
Срок окончания заготовки г.
**Vaqtincha yogo‘ch to‘planadigan joylar** _____________________________________________
Места временных складов

НАМУНА

4-иловани орқа томони

**Muddatidan oldin kesish ruxsat etiladi** ____________________________________________
Досрочная рубка разрешается
______________________________________________________________________________

**Kesilgan maydonlarni tozalash usuli va uni tugatish muddati** ___________________________
Метод очистки лесосек и срок окончания

**Ayrim shartlar** _____________________________________________________________________
Особые условия
______________________________________________________________________________
______________________________________________________________________________

**O'rmon xo'jaligi direktori** _________________ **Muhandis** ________________
**Директор лесхоза** **Инженер**

O'rmondan foydalanuvchilar O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining «Respublika o'rmonlarini himoya qilish bo'yicha ayrim me'yoriy hujjatlarni tasdiqlash to'g'risida» 1999 yil 22 noyabrdagi 506 sonli qaroriga asosan, o'rmonlarni kesish va yong'in xavfsizligi ishlaridan bosh tortsalar, ish olib borayotgan o'rmondan foydalanuvchilarni, o'rmon xo'jalik organlari belgilangan qoidalar asosida o'rmonda yog'och kesishni va boshqa ishlarni to'xtatadilar. O'rmon qonunchiligini buzgan shaxslar qonunchilikda belgilangan tartibda javobgar bo'ladilar.
Во исполнение Постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан «Об утверждении некоторых нормативных актов по защите лесов республики» от 22.11.1999 года за № 506, все лесопользователи обязаны соблюдать правила рубки и пожарной безопасности. В случае несоблюдения вышеперечисленных правил и уклонения от очистки лесосек в установленном порядке органы лесного хозяйства обязаны, прекратить рубку и другие работы. Лица, виновные в нарушении лесного законодательства, несут ответственность в установленном порядке.

**Yog'och kesish tartibi va yong'in xavfsizligi qoidalari bilan tanishganman**
Ознакомлен с правилами рубки очистки и противопожарными правилами
**O'rmondan foydalanuvchining imzosi** __________________
Подпись лесопользователя

**Yog'och tayorlash va tashib ketish muddatini cho'zish haqida ma'lumotlar** _________________
Отметки о предоставлении отсрочек по заготовке и вывозке
______________________________________________________________________________
______________________________________________________________________________
______________________________________________________________________________
______________________________________________________________________________

**M.O'.** **O'rmon xo'jaligi direktori** ____________________________
**М.П.** **Директор лесхоза**

**Kesilgan maydon to'g'risidagi dalolatnomaga asosan o'rmonni qayta tiklash tadbirlari**
**Мероприятия по восстановлению леса по материалам освидетельствования мест рубок**

O'rmonni qayta tiklashni ta'minlay oladigan yosh daraxtlar saqlab qolindi _____________________ga.
Сохранение подроста, обеспечивающего восстановление леса га.
Madaniy o'rmonlar barpo qilinadi _________________________________________________ga
Создание культурных лесов га.
O'rmonlarni tabiiy ko'payishiga sharoit yaratiladi ______________________________________ga.
Содействие естественному возобновлению лесов га.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат
қўмитаси раисининг 2007 йил 17 июлдаги
68-сон буйруғига
5-ИЛОВА

**Ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланиш тўғрисидаги рухсатномалар намуналарини ҳамда ўрмон фонди ерларида ёввойи ҳолда ўсувчи доривор, озиқ-овқатбоп ва техник ўсимликларни териш ва тайёрлаш учун рухсатнома, ўрмон фондининг яйлов ҳудудларида пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш учун ўрмон чипталари, шунингдек ўрмон фонди ҳудудларида дарахт кесиш учун чипта бланкаларини тўлдириш ва ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида**

# ЙЎРИҚНОМА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 октябрдаги 508-сон қарори билан тасдиқланган «Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташқарисига олиб чиқиш тартиби тўғрисида низом» ҳамда «Республика ўрмонларини ҳимоя қилиш бўйича айрим меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 1999 йил 22 ноябрдаги 506-сон қарори талабларига мувофиқ, ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланиш тўғрисидаги рухсатномалар намуналарини тасдиқлаш ҳамда ўрмон фонди ерларида ёввойи ҳолда ўсувчи доривор, озиқ-овқатбоп ва техник ўсимликларни териш ва тайёрлаш учун рухсатнома, ўрмон фондининг яйлов ҳудудларида пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш учун ўрмон чипталари, шунингдек ўрмон фонди ҳудудларида дарахт кесиш учун чипта бланкаларини тўлдириш ва ҳисобини юритиш тартибини белгилайди.

Ушбу Йўриқнома ўрмон фонди ерларида ёввойи ҳолда ўсувчи доривор, озиқ-овқатбоп ва техник ўсимликларни териш ва тайёрлаш учун рухсатнома, ўрмон фондининг яйлов ҳудудларида пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш учун ўрмон чипталари (корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларга бириктирилган ўрмонлар бундан мустасно), шунингдек ўрмон фонди ҳудудларида дарахт кесиш учун чипта бланкаларини тўлдириш ва ҳисобини юритишда Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси, унинг тизимидаги ташкилотларга ҳамда қарамоғида давлат ўрмон фонди бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларга тааллуқлидир.

## I. Умумий қоидалар

1. Ўрмон фонди ерларида ёввойи ҳолда ўсувчи доривор, озиқ-овқатбоп ва техник ўсимликларни териш ва тайёрлаш учун рухсатнома, ўрмон фондининг яйлов ҳудудларида пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш учун ўрмон чипталари, шунингдек ўрмон фонди ҳудудларида дарахт кесиш учун чипта бланкалари қатъий ҳисобот ҳужжатлари ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Давлат Герби тасвири, ҳисобга олиш рақамларига эга ва ҳимоя даражалари билан таъминланган, икки тарафига ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ёки тегишли ташкилотнинг ўзбек ва рус тилларидаги номи жойлаштирилган ҳужжатлар ҳисобланади.

2. Рухсатнома (чипта) бланкалари тасдиқланган намуналарга мувофиқ Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ва қарамоғида давлат ўрмон фонди бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан мустақил тайёрланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан келишмасдан рухсатнома (чипта) бланкаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга йўл қўйилмайди.

4. Ҳар бир рухсатнома (чипта) бланкаси босмахона рақами ва индексига эга бўлади. Индекс рақамдан олдин жойлаштирилади.

Бланка индекси ўрмон фонди ерларида ёввойи ҳолда ўсувчи доривор, озиқ-овқатбоп ва техник ўсимликларни териш ва тайёрлаш учун рухсатнома, ўрмон фондининг яйлов ҳудудларида пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш учун ўрмон чипталари, шунингдек ўрмон фонди ҳудудларида дарахт кесиш учун чипта бланкалари тегишли ҳудудда Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ва унинг тизимидаги тегишли органни ёки қарамоғида давлат ўрмон фонди бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларни идентификациялайди.

5. Бланкаларни рангли ҳимояси мазкур Йўриқноманинг 21—24-бандларига мувофиқ белгиланади.

6. Ўрмон фонди ерларида ёввойи ҳолда ўсувчи доривор, озиқ-овқатбоп ва техник ўсимликларни териш ва тайёрлаш учун рухсатнома бланкаси бир нусхада тўлдирилади. Бланканинг асл нусхаси ўсимлик дунёси объектидан фойдаланувчига, унинг бир нусхаси Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг Давлат биология назоратига тақдим этилади, иккинчи нусхаси рухсатномани расмийлаштирган ташкилотда сақланади.

Ўрмон фондининг яйлов ҳудудларида пичан ўриш учун ва чорва молларини ўтлатиш учун ўрмон чипталари, шунингдек ўрмон фонди ҳудудларида дарахт кесиш учун чипта бланкалари уч нусхада бўлиб, чиптанинг биринчи нусхаси ўсимлик дунёси объектидан фойдаланувчига берилади ва ўрмондан фойдаланиш муддати тугагунга қадар фойдаланувчида сақланиши лозим. Иккинчи нусхаси ўрмон бўлим бошлиғида сақланиб, дарахт кесиш, пичан ўриш ва мол боқиш учун асосий ҳужжат бўлиб ҳисобланади ва ўрмон хўжаликларида юритиладиган ҳисоботларда акс эттирилади. Учинчи нусхаси чипта расмийлаштирган ўрмон хўжалигида сақланади.

7. Мазкур Йўриқнома асосида ўрмон фонди ерларида ёввойи ҳолда ўсувчи доривор, озиқ-овқатбоп ва техник ўсимликларни териш ва тайёрлаш учун рухсатнома, ўрмон фондининг яйлов ҳудудларида пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш учун ўрмон чипталари ҳамда дарахт кесиш учун чипта бланкаларини беришда, ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ва унинг тизимидаги ташкилотларга қуйидаги намунадаги индекслар берилади:

серия А — ўрмон хўжалигининг бланкалари алифбо тартиби бўйича олиб борилиш тартибини белгилайди;

серия ХО‘ — маҳаллий давлат ҳокимият органлари ёки бошқа ташкилот тасарруфидаги ўрмонни белгилайди.

## II. Ўрмон фонди ерларида ёвойи ҳолда ўсувчи доривор, озиқ-овқатбоп ва техник ўсимликларни териш ва тайёрлаш учун бериладиган рухсатнома бланкасини расмийлаштириш

8. Ўрмон фонди ерларида ёввойи ҳолда ўсувчи доривор, озиқ-овқатбоп ва техник ўсимликларни териш ва тайёрлаш учун Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган биологик ресурслардан фойдаланиш йиллик нормалари учун белгиланган тўловлар амалга оширилгандан сўнг, Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси томонидан рухсатнома бланкасини тўлдириш ва расмийлаштириш амалга оширилади.

Рухсатнома бланкасида қуйидагилар кўрсатилади:

чипта тартиб рақами, табиатдан фойдаланиши кўзда тутилган ташкилот номи, ташкилот раҳбари ёки жисмоний шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми;

рухсатнома амал қиладиган ҳудуд (вилоят, туман, муайян ўрмон хўжалиги ҳудуди, айланма ва бўлаги);

териш-тайёрлаш назарда тутилган тур номи, унинг миқдори ва рухсатномани амал қилиш муддати;

рухсатномани расмийлаштириш учун асос (хужжатнинг санаси ва рақами).

9. Рухсатнома бланкаси Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси бошлиғи томонидан имзоланади ва гербли мухр билан тасдиқланади.

Агарда ёввойи ўсимликларнинг доривор, озиқ-овқатбоп ва техник хом ашёсини териш ва тайёрлаш турлари кўп бўлса, рухсатноманинг орқасига ёзиш тавсия этилади.

## III. Ўрмон фондининг яйлов ҳудудларида пичан ўриш учун бериладиган ўрмон чиптаси бланкасини расмийлаштириш

10. Ўрмон фондининг яйлов ҳудудларида пичан ўриш учун ўрмон чиптаси бланкасида қуйидагилар кўрсатилади:

чипта тартиб рақами, тўлдирилган санаси, хўжалик номи, ўрмон бўлими, айланма, бўлаги;

пичанзордан фойдаланувчи ва унинг манзили, паспорт маълумотлари, шартнома тартиб рақами;

пичан ўриш учун унга ажратилган майдон ўлчами;

ўрмон чиптасининг амал қилиш муддати;

ўрмон чиптасини расмийлаштириш учун асос (ҳужжатнинг санаси ва рақами).

11. Бланка тўлдирилишига масъул бўлган шахс томонидан табиатдан фойдаланувчи учун ижро этилиши мажбурий бўлган яйлов ҳудудларда пичан ўриш учун бериладиган ўрмон чиптаси (ўсимликларни ноёб турларини сақлаш, турли турдаги қушлар томонидан тухумлар қўядиган жойларда пичан ўришга йўл қўймаслик бўйича ва ҳ. к.) бериш шартлари киритилиши мумкин.

12. Ўрмон чиптаси бланкаси ўрмон хўжалиги мансабдор шахси томонидан имзоланади ва гербли мухр билан тасдиқланади.

13. Ўрмон чиптаси бланкасининг олд томонида фойдаланувчи томонидан ўрмон чиптасини олган кун ва имзоси, ўрмон чиптасининг орқа томонида эса, ўрмондан фойдаланиш қоидалари билан танишганлиги ҳақидаги сана ва имзоси қўйилади.

## IV. Ўрмон фондининг яйлов ҳудудларида чорва молларини ўтлатиш учун бериладиган ўрмон чиптаси бланкасини расмийлаштириш

14. Ўрмон фондининг яйлов ҳудудларида чорва молларини ўтлатиш учун ўрмон чиптаси бланкасида қуйидагилар кўрсатилади:

чипта тартиб рақами, унинг тўлдирилган санаси;

хўжалик номи, ўрмон бўлими, айланма, бўлаги, чорва молларини ўтлатиш учун унга ажратилган майдон ўлчами;

яйловдан фойдаланувчи ва унинг манзили, паспорт маълумотлари, шартнома тартиб рақами;

чорва молларининг тури ва сони;

ўрмон чиптасининг амал қилиш муддати.

15. Бланка тўлдирилишига масъул бўлган шахс томонидан табиатдан фойдаланувчи учун ижро этилиши мажбурий бўлган яйлов ҳудудларида пичан ўриш учун бериладиган ўрмон чиптаси (ўсимликларни ноёб турларини сақлаш, турли турдаги қушлар томонидан тухумлар қўядиган жойларда чорва молларини ўтлатишга йўл қўймаслик бўйича ва ҳ. к.) бериш шартлари киритилиши мумкин.

16. Ўрмон чиптаси бланкаси ўрмон хўжалиги мансабдор шахси томонидан имзоланади ва гербли мухр билан тасдиқланади.

Чиптага, шунингдек бош ўрмончи, бош хисобчи ва фойдаланувчининг имзолари қўйилади.

17. Ўрмон чиптасининг орқа томонида фойдаланувчининг ўрмондан фойдаланиш қоидалари билан танишганлиги ҳақида имзоси ва сана қўйилади.

## V. Ўрмон фонди ҳудудларида дарахт кесиш учун бериладиган чипта бланкасини расмийлаштириш

18. Ўрмон фонди ҳудудларида дарахт кесиш учун бериладиган чипта бланкасида қуйидагилар кўрсатилади:

чипта тартиб рақами ва берилган санаси;

вилоят номи, ўрмон хўжалиги, ўрмон бўлими, фойдаланиш тури, кесиш тури, ҳисоблаш усули;

чипта беришга асос (ҳужжатнинг санаси ва рақами);

ишбоп, ўтин, шох-шабба ва жами кесишга рухсат этилган ёғоч миқдори;

ўрмонлар гуруҳи, бўлак, кесишга рухсат этилган майдон, ишбоп, ўтин, шох-шабба ҳисоботлари;

ўрмон маҳсулоти учун тўланадиган суммани хўжалик ғазнасига кирим қилиш муддатлари, кесишга рухсат этилмаган дарахт турлари, ёғоч тайёрлашни тугатиш муддати, вақтинча ёғоч тўпланадиган жойлар, ташишга рухсат этилган миқдор, ташиб тугатиш муддати, муддатидан олдин кесишга рухсат этилиши, кесилган майдонларни тозалаш усули ва уни тугатиш муддати, айрим шартлар;

ўрмон хўжалиги раҳбари ва муҳандиснинг имзоси, ўрмондан фойдаланувчининг ўрмон кесиш қоидалари билан танишганлиги тўғрисидаги имзоси, ёғоч тайёрлаш ва ташиб кетиш муддатини чўзиш ҳақида маълумотлар.

19. Дарахт кесиш учун чипта бланкаси ўрмон хўжалиги мансабдор шахси томонидан имзоланади ва гербли мухр билан тасдиқланади.

20. Бланка дарахт кесилганлиги тўғрисидаги далолатномага асосан, ўрмонни қайта тиклаш тадбирлари: ёш дарахтларни сақлаб қолиш; маданий ўрмонлар барпо қилиш; ўрмонларни табиий кўпайишига шароит яратиш майдонлари кўрсатилади.

## VI. Рухсатнома (чипта) бланкаларининг рангли ҳимояси

21. Ўрмон фонди ерларида ёввойи ҳолда ўсувчи доривор, озиқ-овқатбоп ва техник ўсимликларни териш ва тайёрлаш учун бериладиган рухсатнома бланкалари оч яшил рангдаги А-4 формат қоғозда чиқарилади. Қоғоз вараги майда штрихланган расм билан ҳимояланади.

22. Ўрмон фондининг яйлов ҳудудларида пичан ўриш учун бериладиган ўрмон чиптаси бланкалари оч қўнғир рангдаги А-4 формат қоғозда чиқарилади. Қоғоз варағи майда штрихланган расм билан ҳимояланади.

23. Ўрмон фондининг яйлов ҳудудларида чорва молларини ўтлатиш учун бе-

риладиган ўрмон чиптаси бланкалари оч кўк рангдаги А-4 формат қоғозда чиқарилади. Қоғоз варағи майда штрихланган расм билан ҳимояланади.

24. Ўрмон фонди ҳудудларида дарахт кесиш учун чипта бланкалари оч сариқ рангдаги А-4 формат қоғозда чиқарилади. Қоғоз варағи майда штрихланган расм билан ҳимояланади.

## VII. Рухсатнома (чипта) бланкалари ҳисобини юритиш

25. Ўрмон фонди ерларида ёввойи ҳолда ўсувчи доривор, озиқ-овқатбоп ва техник ўсимликларни териш ва тайёрлаш учун рухсатнома, ўрмон фондининг яйлов ҳудудларида пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш учун бериладиган ўрмон чипталари, шунингдек ўрмон фонди ҳудудларида дарахт кесиш учун чипта бланкалари ва уларнинг берилишининг қатъий ҳисоби қонун ҳужжатлари асосида, ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланиш учун рухсатномаларни (чипта) бериш ваколати берилган Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси, унинг тизимидаги ташкилотлар ҳамда қарамоғида давлат ўрмон фонди бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан юритилади.

26. Бланкалар тўлдириш жараёнида бузилса, улар қонун ҳужжатларида қатъий ҳисобот ҳужжатлари учун белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилади ва йўқ қилинади.

27. Фойдаланиш учун берилган рухсатномалар (чипталар) ўсимлик дунёсидан фойдаланувчилар томонидан бошқа шахсларга берилмайди.

28. Фойдаланувчи томонидан табиатни муҳофаза қилиш ҳақидаги қонун ҳужжатлари бузилган тақдирда, ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш учун берилган рухсатнома (чипта)ни олиб қўйишга фақат табиатни муҳофаза қилиш бўйича давлат инспекторлари ва ўрмон идоравий қўриқчилиги (давлат ўрмон фонди ҳудудида) ваколатлидир.

29. Махсус фойдаланиш учун бериладиган барча рухсатномалар (чипталар) нусхалари уч кунлик муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг ҳудудий бўлинмаларига юборилиши лозим.

## VIII. Якуний қоидалар

30. Мазкур Йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси билан келишилган.

***Қишлоқ ва сув хўжалиги***
***вазирининг ўринбосари,***
***Ўрмон хўжалиги бош***
***бошқармаси бошлиғи*** *С. ЭРГАШЕВ*

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 16 июль*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

## 328 Норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Давлат реестридан чиқариш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 3 августда 4-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 13 августдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон қарорига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг 2007 йил 5 июлдаги 33/603-сон хатини инобатга олган ҳолда, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1993 йил 12 ноябрда 4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган «Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш тартиби ҳақида қўлланма» Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестридан чиқарилсин ва бу ҳақда мазкур Давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги мазкур ҳужжатнинг Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестридан чиқарилганлигини барча манфаатдор шахслар эътиборига етказиши лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (С. Саттаров) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг Давлат реестридан чиқарилганлигини барча манфаатдор шахслар эътиборига етказилиши устидан назоратни таъминласин.

4. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (А. Инанбабаев) ушбу буйруқни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этилишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари Е. Каньязов зиммасига юклансин.

**Вазирнинг биринчи ўринбосари** **А. АХМЕДОВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 3 август,
142-мҳ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ РАИСИНИНГ
БУЙРУҒИ

## 329 Ўзбекистон Республикасида камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар турларини муҳофаза қилиш тартиби (118.0127714.26-93-сонли Раҳбарий ҳужжат)ни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 3 августда 9-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 13 августдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 28 октябрдаги 508-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўсимлик дунёси объектларидан фойдаланиш, уларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва унинг ташкарисига олиб чиқиш тартиби тўғрисида низом» қабул қилинганлиги муносабати билан «Ўзбекистон Республикасида камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар турларини муҳофаза қилиш тартиби (18.0227714.26-93-сонли Раҳбарий ҳужжат)» ўз аҳамиятини йўқотганлигини инобатга олиб **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг 1994 йил 24 февралдаги 11-ТК-сонли қарори билан тасдиқланган (1993 йил 29 декабрь, рўйхат рақами 9) «Ўзбекистон Республикасида камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар турларини муҳофаза қилиш тартиби (118.0227714.26-93-сонли Раҳбарий ҳужжат)» ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан ўн кун ўтгандан сўнг кучга киритилсин.

3. Ушбу буйруқ бажарилишини назорат қилиш Давлат бионазорати бошлиғи К. Абидовга юклатилсин.

**Табиатни муҳофаза қилиш**
**давлат қўмитаси раиси** **Б. АЛИХОНОВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 26 июль,
71-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҚЎМИТАСИ РАИСИНИНГ БУЙРУҒИ

## 330 Илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 3 августда 153-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 13 августдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги ПҚ–436-сонли «Фан ва технологиялар ривожланишининг мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 31-32-сон, 311-модда) мувофиқ **буюраман:**

Фан ва техника давлат қўмитасининг 1994 йил 1 июлдаги 18-сон қарори билан тасдиқланган «Илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш тўғрисида низом» (1995 йил 13 июнь, рўйхат рақами 153) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси раиси ўринбосари** **Э. ЗАХИДОВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 25 июль,
24-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҚЎМИТАСИ РАИСИНИНГ БУЙРУҒИ

## 331 Ўзбекистон Республикасининг фундаметал илмий тадқиқотлар дастурларини тузиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 3 августда 156-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди***

***(2007 йил 13 августдан кучга киради)***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги ПҚ–436-сонли «Фан ва технологиялар ривожланишини мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 31-32-сон, 311-модда) мувофиқ **буюраман:**

Фан ва техника давлат қўмитасининг 1994 йил 23 июндаги 15-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасининг фундаметал илмий тадқиқотлар дастурларини тузиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида низом» (1995 йил 13 июнь, рўйхат рақами 156) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси раиси ўринбосари** **Э. ЗАХИДОВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 25 июль,
23-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҚЎМИТАСИ РАИСИНИНГ БУЙРУҒИ

## 332 Ўзбекистон Республикаси давлат илмий-техник дастурларини тузиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 3 августда 157-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 13 августдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги ПҚ–436-сонли «Фан ва технологиялар ривожланишининг мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 31-32-сон, 311-модда) мувофиқ **буюраман:**

Фан ва техника давлат қўмитасининг 1994 йил 23 июндаги 15-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси давлат илмий-техник дастурларини тузиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида низом» (1995 йил 13 июнь, рўйхат рақами 157) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси раиси ўринбосари** **Э. ЗАХИДОВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 25 июль,
22-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҚЎМИТАСИ РАИСИНИНГ БУЙРУҒИ

## 333 Илмий-техник лойиҳалар танлови тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 3 августда 211-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди***

***(2007 йил 13 августдан кучга киради)***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги ПҚ–436-сонли «Фан ва технологиялар ривожланишининг мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 31-32-сон, 311- модда) мувофиқ **буюраман:**

Фан ва техника давлат қўмитасининг 1995 йил 18 декабрдаги 33-сон қарори билан тасдиқланган «Илмий-техник лойиҳалар танлови тўғрисида низом» (1996 йил 3 январь, рўйхат рақами 211) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси раиси ўринбосари** **Э. ЗАХИДОВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 25 июль,
19-сон

**Келишилди:**

*Молия вазири ўринбосари* *Ж. ҚЎЧҚОРОВ*

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 24 июль*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҚЎМИТАСИ РАИСИНИНГ БУЙРУҒИ

## 334 Ўзбекистон Республикаси ФТДК инновацион ишлар дастурини тузиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 3 августда 212-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди***

***(2007 йил 13 августдан кучга киради)***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги ПҚ—436-сонли «Фан ва технологиялар ривожланишининг мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 31-32-сон, 311-модда) мувофиқ **буюраман:**

Фан ва техника давлат қўмитасининг 1995 йил 18 декабрдаги 33-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ФТДҚ инновацион ишлар дастурини тузиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида низом» (1996 йил 3 январь, рўйхат рақами 212) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси раиси ўринбосари** **Э. ЗАХИДОВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 25 июль,
20-сон

**Келишилди:**

*Молия вазири ўринбосари* *Ж. ҚЎЧҚОРОВ*

*Тошкент ш.,*
*2007 йил 24 июль*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҚЎМИТАСИ РАИСИНИНГ
БУЙРУҒИ

## 335 Илмий-тадқиқот, конструктор-технологик ва инновацион ишланмаларга давлат буюртмаси тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 3 августда 284-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 13 августдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги ПҚ–436-сонли «Фан ва технологиялар ривожланишининг мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 31-32-сон, 311- модда) мувофиқ **буюраман:**

Фан ва техника давлат қўмитасининг 1996 йил 22 октябрдаги 23-сон қарори билан тасдиқланган «Илмий-тадқиқот, конструктор-технологик ва инновацион ишланмаларга давлат буюртмаси тўғрисида низом» (1996 йил 4 ноябрь, рўйхат рақами 284) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Фан ва технологияларни
ривожлантиришни мувофиқлаштириш
қўмитаси раиси ўринбосари** **Э. ЗАХИДОВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 25 июль,
21-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

## 336 Илмий-тадқиқот, конструктор-технологик ва инновацион ишларни молиялаштириш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 3 августда 303-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 13 августдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 7 августдаги ПҚ—436-сонли «Фан ва технологиялар ривожланишининг мувофиқлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2006 йил, 31-32-сон, 311-модда) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси ва Молия вазирлиги **қарор қилади:**

Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан 1997 йил 15 январда, Молия вазирлиги томонидан 1997 йил 16 январда тасдиқланган «Илмий-тадқиқот, конструктор-технологик ва инновацион ишларни молиялаштириш тартиби» (1997 йил 29 январь, рўйхат рақами 303) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

**Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси раиси ўринбосари** **Э. ЗАХИДОВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 25 июль,
4-сон

**Молия вазири ўринбосари** **Ж. ҚЎЧҚОРОВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 25 июль,
ДК/12-6-14/560-сон

**Келишилди:**

*Давлат солиқ қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари* *Э. ГАДОЕВ*

*Тошкент ш.,
2007 йил 24 июль*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ ҚАРОРИ

## 337 Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 7 августда 1080-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 17 августдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 7 ва 51-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2001 йил 6 октябрдаги 25/4-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисида»ги йўриқномага (2001 йил 10 ноябрь, рўйхат рақами 1080) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб 10 кундан сўнг кучга киради.

3. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Марказий банк раиси ўринбосари М.Ё. Эшматов зиммасига юклатилсин.

**Марказий банк**
**Бошқаруви раиси** **Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 30 июнь,
18/3-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНК БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИНИНГ
ҚАРОРИ

# 338 Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозларни чиқариш, давлат рўйхатига олиш ва сўндириш (бекор қилиш) тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 7 августда 1216-5-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди***

***(2007 йил 17 августдан кучга киради)***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 июлдаги ПҚ–670-сонли «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва уларнинг иқтисодиётни модернизация қилишга доир инвестиция жараёнларидаги иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида Марказий банк Бошқаруви ва Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази **қарор қилади:**

1. «Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозларни чиқариш, давлат рўйхатига олиш ва сўндириш (бекор қилиш) тартиби тўғрисидаги низом»га (2003 йил 12 февраль, рўйхат рақами 1216 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 йил, 3-сон) иловага* мувофиқ қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кундан кейин кучга киритилсин.

**Марказий банк**
**Бошқаруви раиси** **Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 21 июль,
228-В-5-сон

**Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги**
**қимматли қоғозлар бозори фаолиятини**
**мувофиқлаштириш ва назорат қилиш**
**маркази бош директори** **К. ТОЛИПОВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 21 июль,
04/18-371-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

# 339 Тижорат банклари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари томонидан бюджетга солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 9 августда 1701-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди***

***(2007 йил 19 августдан кучга киради)***

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги, «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги ва «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Тижорат банклари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари томонидан бюджетга солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки Бошқарувининг 2005 йил 25 апрелдаги «Тижорат банклари ва кредит уюшмалари томонидан бюджетга солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 42, 2005-36, 261-В-сон қарори (2005 йил 16 июнь, рўйхат рақами 1480 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 23-24-сон, 175-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан ўн кундан кейин кучга киради.

**Молия вазири** **Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 25 июнь,
68-сон

**Давлат солиқ қўмитаси раиси** **Б. ПАРПИЕВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 25 июнь,
2007-38-сон

**Марказий банк Бошқаруви раиси** **Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,
2007 йил 25 июнь,
291-В-сон

Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси
ва Марказий банк Бошқарувининг
2007 йил 25 июндаги 68, 2007-38,
291-В-сон қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

# Тижорат банклари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари томонидан бюджетга солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида», «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида», «Кредит уюшмалари тўғрисида» ва «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, тижорат банклари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари томонидан бюджетга солиқларнинг айрим турларини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлашнинг ўзига хос хусусиятларини белгилаб беради.

## I. Умумий қоидалар

1. Солиқларни тўловчилар бўлиб мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида мол-мулки бўлган ва ўз мажбуриятлари бўйича ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, шунингдек, мустақил баланс ва ҳисоб рақамига эга бўлган тижорат банклари ва уларнинг филиаллари, кредит уюшмалари ва уларнинг филиаллари, микрокредит ташкилотлари ва уларнинг филиаллари (кейинги ўринларда — кредит ташкилотлари) ҳисобланади.

2. Солиқлар ҳамда давлат мақсадли жамғармалари ва бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратматларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш умумбелгиланган тартибда мазкур Низомда кўзда тутилган хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

## II. Кредит ташкилотларининг даромад ва харажатларини аниқлаш тартиби

3. Солиқларни ҳисоблаш учун кредит ташкилотларининг даромадлари ва харажатлари тўлов вақти ҳамда пулнинг келиб тушиши санасидан қатъий назар, улар қайси даврга тааллуқли бўлса, ўша ҳисобот даврида акс эттирилади ва қуйидагиларга бўлинади:

Кредит ташкилотларининг даромадлари:

а) ҳисобланган фоизли даромадлар.

Ўзбекистон Республикаси кафолати остида берилган кредитлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига асосан фоизларни тўлаш бўйича имтиёзли муддат берилган кредитлар бўйича фоизли даромадлар шартномага асосан олиш муддати етиб келмагунича кредит ташкилотининг солиққа тортилувчи даромади сифатида кўрилмайди.

б) фоизсиз даромадлар, жумладан:

воситачилик ҳақи ва хизматлар учун тўловлардан олинган даромадлар;

хорижий валюталардаги фойда;

бошқа фоизсиз даромадлар.

Кредит ташкилотларининг харажатлари:

а) ҳисобланган фоизли харажатлар.

Ўзбекистон Республикаси кафолати остида олинган кредит ресурслари ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори асосида берилган имтиёзли кредитлар бўйича фоизли харажатлар, шартномага асосан тўлов муддати етиб келмагунича кредит ташкилотининг харажати сифатида кўрилмайди.

б) фоизсиз харажатлар, жумладан:

воситачилик харажатлари ва хизматлар учун қилинган харажатлар;

хорижий валюталарда кўрилган зарарлар;

тижорат операцияларидан кўрилган зарарлар;

инвестициялардан кўрилган зарарлар;

бошқа фоизсиз харажатлар;

в) кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш;

г) фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботда акс эттириладиган операцион харажатлар:

иш ҳақи ва ходимлар учун қилинган бошқа харажатлар;

ижара ва таъминот харажатлари;

хизмат сафари ва транспорт харажатлари;

маъмурий харажатлар;

репрезентация ва хайрия;

эскириш харажатлари;

суғурта, солиқлар ва бошқа харажатлар;

кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш (кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш бундан мустасно).

### III. Даромад (фойда) солиғини ҳисоблаб чиқариш хусусиятлари

4. Кредит ташкилотлари учун солиқ солиш объекти бўлиб мазкур Низомнинг 1, 2 ва 3-иловаларига мувофиқ 02041S-сон шаклдаги «Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот»га мувофиқ жами даромадлар ва чегирмалар ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланган ва мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ солиқ солиш базасига киритиладиган харажатлар суммасига тузатилган фойда ҳисобланади.

Солиқ солиш мақсадида асосий воситалар объектлари ва номоддий активларнинг чиқиб кетишида мазкур асосий воситалар объектлари ва номоддий активларнинг қўшимча баҳолаш суммасининг ушбу асосий воситалар объектлари ва номоддий активларнинг илгариги арзонлаштиришлар суммасидан ошган қисми фоизсиз даромадлар таркибига киритилади.

5. Тижорат банкларининг солиқ солинадиган даромади (фойдаси) жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари, пластик карточкалар бўйича омонатлари ва

жойлаштирилган жамғарма сертификатлари ҳажмларининг кўпайган суммасига, мазкур маблағларнинг юқорида кўрсатилган омонатлар бўйича фоиз ставкаларини оширишга мақсадли йўналтирилиши шарти билан камайтирилади.

Бунда жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари, пластик карточкалар бўйича омонатлари ва жойлаштирилган жамғарма сертификатлари ҳажмининг кўпайишини ҳисоблаб чиқариш учун базис даври сифатида ҳисобот йилининг боши қабул қилинади ва кўпайиш 20406, 20606, 22618 ва 23604 ҳисобварақлар бўйича ҳисобот даври (чорак, ярим йил, 9 ой, йил) боши ва охирининг фарқи сифатида аниқланади.

Мазкур имтиёзни қўллаш учун тижорат банклари кўпайиш суммасини юқорида кўрсатиб ўтилган омонатлар бўйича фоиз ставкаларини ошириш учун мақсадли фойдаланилган ҳолда алоҳида ҳисоб рақамда акс эттириши керак.

Даромад (фойда) солиғи ҳисоб-китобига мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ Жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари, пластик карточкалар бўйича омонатлари ва жойлаштирилган жамғарма сертификатлари ҳажмининг кўпайиши ҳисобига имтиёзларни қўллаш ҳисоб-китоби маълумотномаси илова қилинади. Жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари, пластик карточкалар бўйича омонатлари ва жойлаштирилган жамғарма сертификатлари ҳажмининг кўпайиши ҳисобига имтиёзларни қўллашга доир шартли мисол мазкур Низомнинг 6-иловасида келтирилган.

6. Ваколатли банклар учун жалб этиладиган бўш валюта маблағларини Бирлашган барқарорлаштириш жамғармасига йўналтиришда олинадиган маржа суммасига солиқ солинадиган даромадлар (фойда) камайтирилади.

7. Тижорат банкларнинг Имтиёзли кредит бериш жамғармасининг ресурсларини оширишга йўналтирадиган ва Жамғарманинг кредитлари ҳисобига олинган даромадлари Имтиёзли кредит бериш жамғармаси ташкил этилган пайтдан бошлаб 5 йил муддатга даромад (фойда) солиғидан озод қилинади.

8. Ўстирмаслик мақомини олган кредит бўйича ҳисоблаб ёзилган фоизлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган тартибга мувофиқ даромадлар ҳисобварағидан ҳисобдан чиқарилади.

9. Кредит ташкилотлари Даромад (фойда) солиғи ҳисоб-китобини давлат солиқ хизмати органларига қонунчиликда белгиланган шакл бўйича тақдим этадилар. Ҳисоб-китобга 02041S-сон шаклдаги «Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот» илова қилиниши лозим.

10. Даромад (фойда) солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисоби «Ҳисобланган даромад солиқлари — тўланадиган» баланс ҳисобварақда (тижорат банклари ва микрокредит ташкилотлари учун 22502 баланс ҳисобварақда, кредит уюшмалари учун 22416 баланс ҳисобварақда) «Даромад (фойда) солиғи» алоҳида шахсий ҳисобварақда юритилади.

Солиқни ҳисоблашда қуйидаги ўтказмалар амалга оширилади:

тижорат банклари ва микрокредит ташкилотлари бўйича:

Дебет 56902 «Даромад солиғини баҳолаш»;

Кредит 22502 «Ҳисобланган даромад (фойда) солиқлари — тўланадиган».

Кредит уюшмалари бўйича:

Дебет 56902 «Даромад солиғини баҳолаш»;

Кредит 22416 «Ҳисобланган даромад (фойда) солиқлари — тўланадиган».

Амалда тўланганда қуйидаги ўтказмалар амалга оширилади:

тижорат банклари бўйича:

Дебет 22502 «Ҳисобланган даромад (фойда) солиқлари — тўланадиган»;

Кредит 10301 «ЎзРМБ вакиллик ҳисобрақамидан олинадиган — Ностро» ёки Давлат солиқ инспекциясининг ҳисобварағи.

Кредит уюшмалари бўйича:

Дебет 22416 «Ҳисобланган даромад (фойда) солиқлари — тўланадиган»;

Кредит 10503 «Банкларда жойлаштирилган талаб қилиб олингунча депозитлар».

Микрокредит ташкилотлари бўйича:

Дебет 22502 «Ҳисобланган даромад (фойда) солиқлари — тўланадиган»;

Кредит 10503 «Банкларда жойлаштирилган талаб қилиб олингунча депозитлар».

### IV. Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш хусусиятлари

11. Кредит ташкилотлари учун солиқ солиш объекти бўлиб, қонунчиликка мувофиқ қўшимча қиймат солиғи солинадиган айланмалар ҳисобланади.

Товарлар, хизматлар (ишлар)ни сотиш бўйича солиқ солиш объектининг миқдори сотилган товарлар, кўрсатилган хизматлар (ишлар) қиймати асосида, шартномада акс эттирилган қўлланилган нархлар ва тарифлардан келиб чиқиб, уларга қўшилган қиймат солиғини киритмасдан белгиланади.

12. Қўшилган қиймат солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисоби «Ҳисобланган бошқа солиқлар» баланс ҳисобварақда (тижорат банклари ва микрокредит ташкилотлари учун 22504 баланс ҳисобварағи, кредит уюшмалари учун 22422 баланс ҳисобварағи) «Қўшилган қиймат солиғи» алоҳида шахсий ҳисобварақда юритилади.

Солиқни ҳисоблашда қуйидаги ўтказмалар амалга оширилади:

тижорат банклари ва микрокредит ташкилотлари бўйича:

Дебет 56714 «Солиқлар (даромад солиғидан бошқа) ва лицензиялар» ёки 29896 «Бошқа мажбуриятлар» (ёки асосий воситалар сотилганда бошқа тегишли ҳисобварақ);

Кредит 22504 «Ҳисобланган бошқа солиқлар — тўланадиган».

Кредит уюшмалари бўйича:

Дебет 56714 «Солиқлар (даромад солиғидан ташқари) ва лицензиялар» ёки 29896 «Бошқа мажбуриятлар» (ёки асосий воситалар сотилганда бошқа тегишли ҳисобварақ);

Кредит 22422 «Ҳисобланган бошқа солиқлар — тўланадиган».

Амалда тўланганда қуйидаги ўтказмалар амалга оширилади:

тижорат банклари бўйича:

Дебет 22504 «Ҳисобланган бошқа солиқлар — тўланадиган»;

Кредит 10301 «ЎзРМБ вакиллик ҳисобрақамидан олинадиган — Ностро» ёки Давлат солиқ инспекциясининг ҳисобварағи.

Кредит уюшмалари бўйича:

Дебет 22422 «Ҳисобланган бошқа солиқлар — тўланадиган»;

Кредит 10503 «Банкларда жойлаштирилган талаб қилиб олингунча депозитлар».

Микрокредит ташкилотлари бўйича:

Дебет 22504 «Ҳисобланган бошқа солиқлар — тўланадиган»;

Кредит 10503 «Банкларда жойлаштирилган талаб қилиб олингунча депозитлар».

### V. Мол-мулк солиғини ҳисоблаб чиқариш хусусиятлари

13. Солиқ солиш базасини аниқлаш учун ҳар ойнинг биринчи санасидаги дебет қолдиқлари кредит ташкилотларининг қуйидаги баланс ҳисобварақларида ҳисобга олинади:

тижорат банклари бўйича:

16505 Тугалланмаган қурилиш (белгиланган муддатларда қуриб битказилмаган қурилиш объектлари қисмига)

16509 Банкнинг иморатлари — Бинолар ва бошқа иморатлар;

16515 Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи;

16529 Транспорт воситалари;

16535 Мебель, мослама ва жиҳозлар;

16549 Бошқаларга операцион ижарага берилган асосий воситалар;

16561 Омбордаги асосий воситалар бўйича (меъёрий муддатларда ўрнатилмаган асбоб-ускуналар қисмига);

16601 Номоддий активлар;

16617 Гудвилл;

16700 Банкнинг бошқа хусусий мулклари (16713 ҳисобварағидан ташқари).

Кредит уюшмалари бўйича:

16505 Тугалланмаган қурилиш (белгиланган муддатларда қуриб битказилмаган қурилиш объектлари қисмига)

16509 Бинолар ва бошқа иморатлар;

16515 Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи;

16529 Транспорт воситалари;

16535 Мебель, мослама ва жиҳозлар;

16541 Номоддий активлар;

16549 Ижарага берилган асосий воситалар;

16700 Кўчмас мулк ва бошқа хусусий мулк (16707 ҳисобварағидан ташқари);

19923 Омбордаги асосий воситалар (меъёрий муддатларда ўрнатилмаган асбоб-ускуналар қисмига).

Микрокредит ташкилотлари бўйича:

16505 Тугалланмаган қурилиш (белгиланган муддатларда қуриб битказилмаган қурилиш объектлари қисмига)

16509 Микрокредит ташкилотининг бинолари ва бошқа иншоотлари;

16515 Объектларни ижарага олиш ва уни такомиллаштириш ҳуқуқи;

16529 Транспорт воситалари;

16535 Мебель, мослама ва жиҳозлар;

16549 Бошқаларга операцион ижарага берилган асосий воситалар;

16561 Омбордаги асосий воситалар (меъёрий муддатларда ўрнатилмаган асбоб-ускуналар қисмига);

16601 Номоддий активлар;

16617 Гудвилл;

16700 Кўчмас мулк ва бошқа хусусий мулк (16707 ҳисобварағидан ташқари).

14. Кредит ташкилоти томонидан қарзни қоплаш учун сотиш мақсадида ундириб олинган мол-мулкка (гаровга олинган мол-мулкка) солиқ солинмайди ва ушбу мол-мулкка амортизация ажратмалар ҳисобланмайди.

Мазкур норма ушбу мол-мулкни кредит ташкилоти томонидан ўз эҳтиёжлари учун ишлатилган ҳолларга қўлланилмайди.

15. Юридик шахсларнинг мол-мулк солиғи ҳисоб-китобига мажбурий иловалар бўлиб, мол-мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматининг ҳисоб-китоби ва солиқ солинмайдиган мол-мулклар рўйхати ҳисобланади.

16. Мол-мулк солиғи кредит ташкилотларининг ҳисобот давридаги операцион харажатларда ҳисобга олинади. Мол-мулк солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларнинг бухгалтерия ҳисоби «Ҳисобланган бошқа солиқлар ва лицензиялар» баланс

ҳисобварағида (тижорат банклари ва микрокредит ташкилотлари учун 22504 баланс ҳисобварағи, кредит уюшмалари учун 22422 баланс ҳисобварағи) «Мол-мулк солиғи» алоҳида шахсий ҳисобварақда юритилади.

17. Солиқни ҳисоблашда қуйидаги ўтказмалар амалга оширилади:

тижорат банклари ва микрокредит ташкилотлари бўйича:

Дебет 56714 «Солиқлар (даромад солиғидан ташқари) ва лицензиялар»;

Кредит 22504 «Ҳисобланган бошқа солиқлар — тўланадиган».

Кредит уюшмалари бўйича:

Дебет 56714 «Солиқлар (даромад солиғидан ташқари)»;

Кредит 22422 «Ҳисобланган бошқа солиқлар — тўланадиган».

Амалда тўланганда қуйидаги ўтказмалар амалга оширилади:

тижорат банклари бўйича:

Дебет 22504 «Ҳисобланган бошқа солиқлар — тўланадиган»;

Кредит 10301 «ЎзРМБ вакиллик ҳисоб рақамидан олинадиган — Ностро» ёки Давлат солиқ инспекциясининг ҳисобварағи.

Кредит уюшмалари бўйича:

Дебет 22422 «Ҳисобланган бошқа солиқлар — тўланадиган»;

Кредит 10503 «Банкларда жойлаштирилган талаб қилиб олингунча депозитлар».

Микрокредит ташкилотлари бўйича:

Дебет 22504 «Ҳисобланган бошқа солиқлар — тўланадиган»;

Кредит 10503 «Банкларда жойлаштирилган талаб қилиб олингунча депозитлар».

## VI. Ягона солиқ тўловини ҳисоблаб чиқариш хусусиятлари

18. Қонунчиликка мувофиқ микрофирма ва кичик корхона тоифасига кирувчи кредит ташкилотлари солиқ солишнинг ягона солиқ тўлови тўлашни назарда тутувчи соддалаштирилган тартибини қонунчиликда кўзда тутилган тартибда қўллашга ҳақлидир.

19. Мазкур Низомнинг 3-бандининг «а» ва «б» кичик бандларида кўрсатилган кредит ташкилотларининг даромадлари солиқ солиш объекти бўлиб ҳисобланади.

## VII. Якуний қоидалар

20. Кредит ташкилотлари ҳисоблашнинг тўғрилигига, ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида тақдим этилишига, берилган солиқ имтиёзлари натижасида бўшаган маблағлардан мақсадли фойдаланишларига ҳамда солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашга қонунчиликка мувофиқ масъулдирлар.

21. Мазкур Низомни тўғри қўллаш устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига мувофиқ давлат солиқ хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Тижорат банклари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари томонидан бюджетга солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

№ 02041S-сонли шакл

СТИР ☐☐☐☐☐☐☐☐☐
Тижорат банкининг тўлиқ номи ____________________

Тижорат банкининг жойлашган жойи ____________________
Почта манзили ____________________

Телефон: код ☐☐☐☐☐ рақам ☐☐☐☐☐☐☐

____________________ га тақдим этилади
(рўйхатдан ўтган жойдаги давлат солиқ хизмати органининг номи)

**Тижорат банкининг фойда ва зарарлар тўғрисида**
**ҲИСОБОТИ**
*йил бошидан ________ гача*

| Код | Таърифи | Номи | Сумма (сўм) |
|---|---|---|---|
| **10** | **Таърифи** | **Фоизли даромадлар - жами** (20+30+40+50+60+70+80+90+100+110+120+130+140 кодлар) | |
| 20 | 40200 | ЎзРМБдаги ҳисобварақлар бўйича фоизли даромадлар | |
| 30 | 40400 | Бошқа банклардаги ҳисобварақлар бўйича фоизли даромадлар | |
| 40 | 40600 | Олди-сотди қимматли қоғозлар бўйича фоизли даромадлар | |
| 50 | 40700 | Сотишга мўлжалланган қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича фоизли даромадлар (давлат қимматли қоғозлари бундан мустасно) | |
| 60 | 40800 | Сотиб олинган векселлар бўйича фоизли даромадлар | |
| 70 | 41000 | Мижозларнинг мажбуриятлари бўйича ҳисобланган фоизлар | |
| 80 | 41200 | Банкнинг тўланмаган акцептлари юзасидан мижозлар мажбуриятлари бўйича фоизли даромадлар | |
| 90 | 41400 – 44600 | Олинадиган ссудалар бўйича фоизли даромадлар | |
| 100 | 44700 | Суд жараёнидаги кредитлар бўйича фоизли даромадлар | |
| 110 | 44800 | Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар бўйича фоизли даромадлар | |
| 120 | 44900 | Бошқа фоизли даромадлар | |
| 130 | 45000 | Қимматли қоғозлар билан амалга оширилган РЕПО битимлари бўйича фоизли даромадлар | |
| 140 | 45100 | Лизинг (молиявий ижара) бўйича фоизли даромадлар | |
| **150** | **Таърифи** | **Фоизли харажатлар - жами** (160+170+180+190+200+210+220+230 кодлар) | |
| 160 | 50100 – 51100 | Депозитлар бўйича фоизли харажатлар | |
| 170 | 51600 | ЎРМБдаги тўланадиган ҳисобварақлар бўйича фоизли харажатлар | |
| 180 | 52100 | Бошқа банкларнинг ҳисобварақлари бўйича фоизли харажатлар | |
| 190 | 52600 | Банкнинг тўланмаган акцептлари бўйича фоизли харажатлар | |
| 200 | 53100 — 54100 | Тўланадиган кредитлар бўйича фоизли харажатлар | |
| 210 | 54200 | Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича фоизли харажатлар | |

| Код | Таърифи | Номи | Сумма (сўм) |
|---|---|---|---|
| 220 | 54300 | Қимматли қоғозлар билан амалга оширилган РЕПО битимлари бўйича фоизли харажатлар | |
| 230 | 54900 | Бошқа фоизли харажатлар | |
| **240** | | **Соф фоизли даромад (зарар)** (10-код - 150-код) | |
| 250 | 56802 | Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш | |
| **260** | | **Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси чиқариб ташланганидан сўнг қоладиган соф фоизли даромад** (240-код - 250-код) | |
| **270** | **Таърифи** | **Фоизсиз даромадлар — жами** (280 + 290 + 300 + 310 + 320 + 330 кодлар) | |
| 280 | 45200 | Фоизсиз даромадлар | |
| 290 | 45400 | Хорижий валюталардаги фойда | |
| 300 | 45600 | Тижорат операцияларидан олинган фойда | |
| 310 | 45700 | Қарам хўжалик жамиятларига, қўшма корхоналарга ва шўъба хўжалик жамиятларига қилинган инвестициялардан олинган фойда ва дивидендлар | |
| 320 | 45800 | Инвестициялардан олинган фойда ва дивидендлар | |
| 330 | 45900 | Бошқа фоизсиз даромадлар | |
| **340** | | **Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси чиқариб ташланганидан сўнг қоладиган соф фоизли даромад + фоизсиз даромадлар** (260-код + 270-код) | |
| **350** | **Таърифи** | **Фоизсиз харажатлар — жами** (360 + 370 + 380 + 390 + 400 + 410 кодлар) | |
| 360 | 55100 | Фоизсиз харажатлар | |
| 370 | 55300 | Хорижий валюталарда кўрилган зарарлар | |
| 380 | 55600 | Тижорат операцияларидан кўрилган зарарлар | |
| 390 | 55700 | Қарам хўжалик жамиятларига, қўшма корхоналарга ва шуъба хўжалик жамиятларига қилинган инвестициядан кўрилган зарарлар | |
| 400 | 55800 | Инвестициялардан кўрилган зарарлар | |
| 410 | 55900 | Бошқа фоизсиз харажатлар | |
| 420 | | **Операцион харажатлар қилингунга қадар соф даромад** (340-код - 350-код) | |
| **430** | **Таърифи** | **Операцион харажатлар – жами** (440 + 450 + 460 + 470 + 480 + 490 + 500 + 510 кодлар) | |
| 440 | 56100 | Банк хизматчиларининг иш ҳақи ва улар учун қилинган бошқа харажатлар | |
| 450 | 56200 | Ижара ва таъминот харажатлари | |
| 460 | 56300 | Хизмат сафари ва транспорт харажатлари | |
| 470 | 56400 | Маъмурий харажатлар | |
| 480 | 56500 | Репрезентация ва хайрия | |
| 490 | 56600 | Эскириш харажатлари | |
| 500 | 56700 | Суғурта, солиқ ва бошқа харажатлар | |
| 510 | 56800 | Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш (56802-ҳисобварақдан ташқари) | |
| **520** | | **Даромад солиғини ҳисобга олмаган ҳолда соф даромад** (420-код - 430-код) (Даромад (фойда) солиғи тўлангунга қадар молиявий натижа) | |
| **530** | **56900** | **Даромад солиғини баҳолаш (даромад (фойда) солиғи суммаси)** | |
| **540** | | **Ҳисобот давридаги соф даромад (зарар)** (520-код - 530-код) | |

| **Мазкур ҳисоботда кўрсатилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини тасдиқлайман:** | **Давлат солиқ хизмати органининг ходими томонидан тўлдирилади** |
|---|---|
| Раҳбар:<br>СТИР<br>Ф. И. Ш.<br>Имзо<br><br>Бош ҳисобчи<br>СТИР<br>Ф. И. Ш.<br>Имзо<br><br>Сана (кк/оо/йй) | Ушбу хабарнома<br>(кераклигига «V» белгиси қўйилсин)<br>қоғозда □ электрон кўринишида □<br>□ шахсан □ почта орқали □ электрон почта орқали<br>□ варақда тақдим этилди<br>Тақдим этилган сана (кк/оо/йй)<br>Ф.И.Ш.<br>Имзо |

М.Ў.

Тижорат банклари, кредит уюшмалари ва
микрокредит ташкилотлари томонидан бюджетга
солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги
низомга
2-ИЛОВА

№ 02041S-сонли шакл

СТИР
Кредит уюшмасининг тўлиқ номи

Кредит уюшмасининг жойлашган жойи
Почта манзили

Телефон: код рақам

_________________________ га тақдим этилади
(рўйхатдан ўтган жойдаги давлат солиқ хизмати органининг номи)

## Кредит уюшмасининг фойда ва зарарлар тўғрисида ҲИСОБОТИ

*йил бошидан ________ гача*

| Код | Таърифи | Номи | Сумма |
|---|---|---|---|
| **10** | **Таърифи** | **Фоизли даромадлар — жами** (20 + 30 + 40 + 50 + 60 кодлар) | |
| 20 | 40400 | Банклардаги депозитлар бўйича фоизли даромадлар | |
| 30 | 40600 | Олди-сотди қимматли қоғозлар бўйича фоизли даромадлар | |
| 40 | 42000 – 44400 | Ссудалар бўйича фоизли даромадлар | |
| 50 | 44800 | Инвестициялар бўйича фоизли даромадлар | |
| 60 | 44900 | Бошқа фоизли даромадлар | |
| **70** | **Таърифи** | **Фоизли харажатлар — жами** (80 + 90 + 100 кодлар) | |
| 80 | 50600 – 51100 | Жамғарма ва муддатли депозитлар бўйича фоизли харажатлар | |
| 90 | 53100 – 54100 | Тўланадиган ссудалар бўйича фоизли харажатлар | |
| 100 | 54900 | Бошқа фоизли харажатлар | |

| Код | Таърифи | Номи | Сумма |
|---|---|---|---|
| **110** | | **Соф фоизли даромад (зарар)** (10-код - 70-код) | |
| 120 | 56802 | Ссудалар ва бўнаклар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш | |
| **130** | | **Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси чиқариб ташланганидан сўнг қоладиган соф фоизли даромад** (110-код - 120-код) | |
| **140** | **Таърифи** | **Фоизсиз даромадлар — жами** (150 + 160 + 170 + 180 кодлар) | |
| 150 | 45200 | Фоизсиз даромадлар | |
| 160 | 45600 | Қимматли қоғозлар билан тижорат операцияларидан олинган фойда | |
| 170 | 45800 | Инвестициялардан олинган фойда | |
| 180 | 45900 | Бошқа фоизсиз даромадлар | |
| **190** | | **Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси чиқариб ташланганидан сўнг қоладиган соф фоизли даромад + фоизсиз даромадлар** (130-код + 140-код) | |
| **200** | **Таърифи** | **Фоизсиз харажатлар — жами** (210 + 220 + 230 + 240 кодлар) | |
| 210 | 55100 | Воситачилик харажатлари ва хизматлар учун қилинган харажатлар | |
| 220 | 55600 | Тижорат операцияларидан кўрилган зарарлар | |
| 230 | 55800 | Инвестициялардан кўрилган зарарлар | |
| 240 | 55900 | Бошқа фоизсиз харажатлар | |
| **250** | | **Операцион харажатлар қилингунга қадар соф даромад** (190-код - 200-код) | |
| **260** | **Таърифи** | **Операцион харажатлар** (270 + 280 + 290 + 300 + 310 + 320 + 330 кодлар) | |
| 270 | 56100 | Ходимларнинг иш ҳақи ва улар учун қилинадиган бошқа харажатлар | |
| 280 | 56200 | Ижара ва таъминот харажатлари | |
| 290 | 56300 | Хизмат сафари ва транспорт харажатлари | |
| 300 | 56400 | Маъмурий харажатлар | |
| 310 | 56600 | Эскириш харажатлари | |
| 320 | 56700 | Суғурта, солиқ ва бошқа харажатлар | |
| 330 | 56800 | Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш (56802-ҳисобварақдан ташқари) | |
| **340** | | **Даромад солиғини ҳисобга олмаган ҳолда соф даромад** (250-код - 260-код) (Даромад (фойда) солиғи тўлангунга қадар молиявий натижа) | |
| **350** | **56900** | **Даромад солиғини баҳолаш** | |
| **360** | | **Ҳисобот давридаги соф даромад (зарар)** (340-код - 350-код) | |

| **Мазкур ҳисоботда кўрсатилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини тасдиқлайман:** | **Давлат солиқ хизмати органининг ходими томонидан тўлдирилади** |
|---|---|
| Раҳбар:<br>СТИР ☐☐☐☐☐☐☐☐☐<br>Ф. И. Ш. ____<br>Имзо ____<br><br>Бош ҳисобчи<br>СТИР ☐☐☐☐☐☐☐☐☐<br>Ф. И. Ш. ____<br>Имзо ____<br><br>Сана (кк/оо/йй) ☐☐ ☐☐ ☐☐☐☐ | Ушбу хабарнома<br>(кераклигига «V» белгиси қўйилсин)<br>☐ қоғозда ☐ электрон кўринишида<br><br>☐ шахсан ☐ почта орқали ☐ электрон почта орқали<br>☐☐☐ варақда тақдим этилди<br><br>Тақдим этилган сана ☐☐ ☐☐ ☐☐☐☐<br>(кк/оо/йй)<br>Ф.И.Ш. ____<br>Имзо |

М.Ў.

Тижорат банклари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари томонидан бюджетга солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

№ 02041S-сонли шакл

СТИР ☐☐☐☐☐☐☐☐☐
Микрокредит ташкилотининг тўлиқ номи ____________________

Микрокредит ташкилотининг жойлашган жойи ____________________
Почта манзили ____________________

Телефон: код ☐☐☐☐☐ рақам ☐☐☐☐☐☐☐

____________________ га тақдим этилади
(рўйхатдан ўтган жойдаги давлат солиқ хизмати органининг номи)

## Микрокредит ташкилотининг фойда ва зарарлар тўғрисида ҲИСОБОТИ

*йил бошидан ________ гача*

| Код | Таърифи | Номи | Сумма |
|---|---|---|---|
| **10** | **Таърифи** | **Фоизли даромадлар — жами** (20 + 30 + 40 + 50 + 60 кодлар) | |
| 20 | 40400 | Банклардаги депозитлар бўйича фоизли даромадлар | |
| 30 | 42000 – 44500 | Кредитлар бўйича фоизли даромадлар | |
| 40 | 44700 | Суд жараёнидаги кредитлар бўйича фоизли даромадлар | |
| 50 | 44900 | Бошқа фоизли даромадлар | |
| 60 | 45100 | Микролизинг (молиявий ижара) бўйича фоизли даромадлар | |
| **70** | **Таърифи** | **Фоизли харажатлар — жами** (80+90 кодлар) | |
| 80 | 53100 – 54100 | Тўланадиган кредитлар бўйича фоизли харажатлар | |
| 90 | 54900 | Бошқа фоизли харажатлар | |
| **100** | | **Соф фоизли даромад (зарар)** (10-код - 70-код) | |
| 110 | 56802 | Микрозайм ва микрокредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш | |
| **120** | | **Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси чиқариб ташланганидан сўнг қоладиган соф фоизли даромад** (100-код - 110-код) | |
| **130** | **Таърифи** | **Фоизсиз даромадлар — жами** (140 + 150 кодлар) | |
| 140 | 45200 | Фоизсиз даромадлар | |
| 150 | 45900 | Бошқа фоизсиз даромадлар | |
| **160** | | **Кредитлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарлар захираси чиқариб ташланганидан ва фоизсиз даромадлар қўшилганидан сўнг соф фоизли даромад** (120-код + 130-код) | |
| **170** | **Таърифи** | **Фоизсиз харажатлар — жами** (180 + 190 + 200 кодлар) | |
| 180 | 55100 | Воситачилик харажатлари ва хизматлар учун қилинган харажатлар | |
| 190 | 55600 | Тижорат операцияларидан кўрилган зарарлар | |
| 200 | 55900 | Бошқа фоизсиз харажатлар | |
| **210** | | **Операцион харажатлар қилингунга қадар соф даромад** (160-код - 170-код) | |
| **220** | **Таърифи** | **Операцион харажатлар** (230 + 240 + 250 + 260 + 270 + 280 + 290 кодлар) | |
| 230 | 56100 | Ходимларнинг иш ҳақи ва улар учун қилинадиган бошқа харажатлар | |

| Код | Таърифи | Номи | Сумма |
|---|---|---|---|
| 240 | 56200 | Ижара ва таъминот харажатлари | |
| 250 | 56300 | Хизмат сафари ва транспорт харажатлари | |
| 260 | 56400 | Маъмурий харажатлар | |
| 270 | 56600 | Эскириш харажатлари | |
| 280 | 56700 | Суғурта, солиқ ва бошқа харажатлар | |
| 290 | 56800 | Кўрилиши мумкин бўлган зарарларни баҳолаш (56802-ҳисобварақдан ташқари) | |
| **300** | | **Даромад солиғини ҳисобга олмаган ҳолдаги соф даромад** (210-код - 220-код) | |
| **310** | **56900** | **Даромад солиғини баҳолаш** | |
| **320** | | **Ҳисобот давридаги соф даромад (зарар)** (300-код - 310-код) | |

| **Мазкур ҳисоботда кўрсатилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини тасдиқлайман:** | **Давлат солиқ хизмати органининг ходими томонидан тўлдирилади** |
|---|---|
| Раҳбар: | Ушбу хабарнома |
| СТИР ☐☐☐☐☐☐☐☐☐ | (кераклигига «V» белгиси қўйилсин) |
| Ф. И. Ш. ________ | ☐ қоғозда ☐ электрон кўринишида |
| Имзо ________ | |
| | ☐ шахсан ☐ почта орқали ☐ электрон почта орқали |
| Бош ҳисобчи | |
| СТИР ☐☐☐☐☐☐☐☐☐ | ☐☐☐ варақда тақдим этилди |
| Ф. И. Ш. ________ | |
| Имзо ________ | Тақдим этилган сана ☐☐ ☐☐ ☐☐☐☐ (кк/оо/йй) |
| Сана (кк/оо/йй) ☐☐ ☐☐ ☐☐☐☐ | Ф.И.Ш. ________ |
| | Имзо ________ |

М.Ў.

Тижорат банклари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари томонидан бюджетга солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

## I. Даромад (фойда) солиғини ҳисоблаб чиқаришда солиқ солинадиган базага киритиладиган харажатлар (чегирилмайдиган харажатлар ёки доимий тафовутлар)

1. Рағбатлантирувчи тусдаги тўловлар, шу жумладан:

а) вақтинча меҳнат лаёқатини йўқотган тақдирда қонун ҳужжатлари билан белгиланган ҳақиқий иш ҳақи миқдоригача қўшимча ҳақ;

б) айрим тармоқлар ходимларига бепул кўрсатиладиган коммунал хизматлар, бериладиган овқатлар, маҳсулотлар қиймати, ходимларга бепул бериладиган уй-жой ҳақини тўлаш харажатлари (бепул берилмаган уй-жой, кўрсатилмаган коммунал хизматлар ва шу кабилар учун пул компенсацияси суммаси);

в) жамоа шартномаси бўйича ходимларга қўшимча равишда (қонунчиликда назарда тутилгандан ортиқча) берилган таътиллар, улар бўйича компенсация тўловлари;

г) ходимларга бериладиган маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ёки умумий овқатланиш учун ёрдамчи хўжаликлар тайёрлайдиган маҳсулотлар нархлари бўйича тафовутлар;

д) қонунчиликда назарда тутилган нормалардан ортиқча хизмат сафарлари билан боғлиқ тўловлар;

е) тегишли ваколатли органлар қарорларисиз тўланадиган, ишлаб чиқаришдаги шикастланишлар туфайли меҳнат қилиш лаёқатини йўқотишлар билан боғлиқ нафақалар;

ж) хизматлар қийматини тўлаш ҳамда профессионал бошқарувчи компаниялар, давлатнинг ишончли вакиллари ва ишончли бошқарувчиларнинг мукофотлари бўйича харажатлар;

з) ходимларга байрам ва муҳим сана билан боғлиқ рағбатлантирувчи бир марта бериладиган мукофотлар;

и) ходимларга товарлар, маҳсулотлар ва бошқа нарсаларни бепул бериш ёки ходимлар учун ишлар, хизматларни бажариш;

к) ходимлар харажатларини тўлаш (овқатланишга, йўл ҳақига, даволаниш ва дам олишга, экскурсияларга ва саёҳатларга йўлланмаларга, спорт секцияларида, тўгаракларда, клублардаги машғулотларга, маданий-кўнгилочар ва жисмоний тарбия (спорт) тадбирларига қатнашишга, обунага ва ходимларнинг шахсий истеъмол товарларига ҳамда бошқа шу кабиларга тўловларга);

л) пенсияларга устамалар, пенсияга чиқаётган меҳнат фахрийларига бир йўла тўланадиган нафақалар;

м) ходимларга тўланадиган моддий ёрдам, ходимнинг жароҳатланиши ёки бошқа тарзда соғлиғига шикаст етказилиши ва ходим оила аъзоларининг вафоти муносабати билан бериладиган моддий ёрдамдан ташқари.

2. Нодавлат пенсия жамғармаларига ажратмалар.

3. Суғуртанинг ихтиёрий турлари бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча ажратмалар, мол-мулкни суғурта қилиш ва ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш бўйича суғурта мукофотлари бундан мустасно.

4. Қонунчиликда белгиланган норматив ва нормалардан ортиқча вакиллик харажатлари.

5. Юқори органлар ҳамда юридик шахслар бирлашмалари: вазирликлар, идоралар, уюшмалар, концернлар ва бошқа харажатларига ажратмалар.

6. Умумий овқатланиш корхоналари учун бепул бинолар бериш харажатлари, уларга коммунал хизматлар кўрсатиш қийматини тўлаш ва бошқалар.

7. Ходимларнинг ихтиёрий суғуртасига ва ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлмаган ихтиёрий суғуртанинг бошқа турларига қонун ҳужжатларида белгиланган нормалардан ортиқча харажатлар, мол-мулкни суғурта қилиш ва ҳаётни узоқ муддатли суғурта қилиш бўйича суғурта мукофотлари харажатлари бундан мустасно.

8. Кредит ташкилотлари соҳасига тўғри келмайдиган касблар бўйича кадрлар тайёрлаш харажатлари.

9. Лойиҳалардаги ва қурилиш-монтаж ишларидаги камчиликларни, шунингдек объект ёнидаги омборга ташиб келтирилгунгача содир бўлган бузилишлар ва деформацияларни бартараф этиш бўйича харажатлар, занглашдан ҳимоя қилишдаги камчиликлар оқибатида текшириб кўриш (асбоб-ускуналарни қисмларга ажратиш) бўйича харажатлар ва шу каби бошқа харажатлар етказиб бериш ва ишларни бажариш шартларини бузган юридик шахслар ҳисобига, ушбу харажатларни камчиликлар, бузилишлар ёки нобудгарчиликлар учун жавобгар етказиб берувчи ёки бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобига ундириш мумкин бўлмаган миқдорда қопланади.

10. Қатнашчилардан (мулкдорлардан) бирининг ташаббуси бўйича амалга оширилган аудиторлик хизматлари учун тўлов.

11. Ўз хизмат кўрсатувчи ишлаб чиқаришлари ва хўжаликларига сарфланган харажатлардан кўрилган зарарлар.

12. Ходимларнинг ишлаб чиқариш жараёнида бевосита қатнашиши билан боғлиқ бўлмаган саломатликни муҳофаза қилиш ва дам олишни ташкил қилиш тадбирлари харажатлари.

13. Маҳсулот ишлаб чиқариш (шаҳарлар ва шаҳарчаларни ободонлаштириш, қишлоқ хўжалигига ёрдам кўрсатиш ва бошқа иш турлари) билан боғлиқ бўлмаган ишлар (хизматлар)ни бажаришга хўжалик юритувчи субъектлар томонидан сарфланган харажатлар.

14. Экология, соғломлаштириш ва бошқа хайрия жамғармаларига (агар улар юридик шахслар сифатида рўйхатдан ўтказилган бўлса), маданият, халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, жисмоний тарбия ва спорт корхоналари, муассасалари ва ташкилотларига бадаллар.

15. Суд харажатлари.

16. Айбдорлари аниқланмаган ўғирликлардан ёки айбдор томон ҳисобидан зарур суммани ундириш мумкин бўлмаган ҳолларда кўрилган зарарлар.

17. Кредит ташкилотларининг асосий воситалари ва бошқа мол-мулки (активлари)нинг чиқиб кетиши (балансдан чиқарилиш)дан кўрилган зарарлар, улар томонидан уч йилдан ортиқ ишлатилган асосий воситаларни сотишдан кўрилган зарарлар бундан мустасно.

18. Хўжалик шартномалари шартларининг, шу жумладан, махсулот етказиб берувчилар ва дебиторлар айби билан бузилганлиги учун белгиланган ёки эътироф этилган жарималар, пенялар, неустойкалар ва бошқа хил санкциялар, шунингдек, етказилган зарарларни тўлаш бўйича харажатлар.

19. Солиқ қонунчилиги ва бошқа қонунчиликни бузганлик учун жарима ва пенялар.

20. Тўланган бошқа жарималар.

21. Бошқа операцион харажатлар.

22. Тўлов муддати ўтган ва узайтирилган ссудалар бўйича фоизлар.

23. Қимматли қоғозларни сотишда юзага келган зарарлар.

24. Қимматли қоғозлар қийматини муддатидан олдин тўлаш муносабати билан вужудга келган дисконт, агар у бюджетдан қарзларни тўлаш билан боғлиқ бўлмаса.

## II. Ушбу даврнинг солиқ солиш базасидан чиқарилмайдиган, бироқ кейинги даврларнинг солиқ солиш базасидан чиқариладиган харажатлар

Қуйида келтирилган харажатларнинг моддалари кредит ташкилотларининг молиявий ҳисоботларида давр харажатлар сифатида ҳисобга олинади. Бироқ улар солиқ солиш мақсадлари учун уларни солиқ солинадиган базага киритиш учун фойдага қайтадан ҳисобга олинади, сўнгра эса ушбу харажатларнинг бутун фойдали муддати давомида ёки 10 йил мобайнида, ушбу муддатлардан қайси бирининг (вақтлар бўйича тафовутларнинг) қисқа бўлишига қараб, кейинчалик чиқариб ташланади.

1. Кредитларга доир эҳтимолий йўқотишлар бўйича захираларга Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланган меъёрлардан ортиқча қилинган ажратмалар.

2. Бошқа активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларга қарши захираларга ажратмалар.

3. Бошқарув тизимлари ва воситаларини яратиш ҳамда такомиллаштириш бўйича харажатлар.

4. Жадаллаштирилган усул билан ҳисобланган амортизация суммаси ва белгиланган нормалар бўйича ҳисобланган амортизация суммаси ўртасидаги фарқ:

а) асосий воситалар бўйича — солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ;

б) номоддий активлар бўйича — бошланғич қийматидан ва фойдали ишлатиш муддатидан келиб чиққан ҳолда кредит ташкилотлари томонидан ҳисоблаб чиқилган нормаларга мувофиқ.

5. Филиал фаолиятини бошлашга тайёрлаш устидан техник назорат гуруҳини таъминлаш.

6. Янги очилаётган филиалда ишлаш учун кадрларни тайёрлаш харажатлари.

7. Асбоб-ускуналарни етказиб берган заводлар ёки уларнинг топшириғига биноан ихтисослаштирилган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан амалга ошириладиган шефмонтаж харажатлари.

Тижорат банклари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари томонидан бюджетга солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

№ 02041S-сонли шакл

СТИР ☐☐☐☐☐☐☐☐☐
Тижорат банкининг тўлиқ номи ________________________________

Тижорат банкининг жойлашган жойи ________________________
Почта манзили ________________________

Телефон: код ☐☐☐☐☐ рақам ☐☐☐☐☐☐☐

________________________________ га тақдим этилади
(рўйхатдан ўтган жойдаги давлат солиқ хизмати органининг номи)

**Жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари, пластик карточкалар бўйича омонатлар ва жойлаштирилган жамғарма сертификатлари ҳажмининг кўпайиши ҳисобига имтиёзларни қўллаш ҳисоб-китоби**
**МАЪЛУМОТНОМАСИ***

| Кўрсаткичлар | Сатр коди | Сумма (сўм) |
|---|---|---|
| Жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари, пластик карточкалар бўйича омонатлари ва жойлаштирилган жамғарма сертификатлари ҳажми суммаси (20406, 20606, 22618, 23604 баланс ҳисобварағлари): | 010 | |
| ҳисобот даврининг бошига | 0101 | |
| ҳисобот даврининг охирига | 0102 | |

| Кўрсаткичлар | Сатр коди | Сумма (сўм) |
|---|---|---|
| Жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари, пластик карточкалар бўйича омонатлари ва жойлаштирилган жамғарма сертификатлари ҳажмининг кўпайиш суммаси (20406, 20606, 22618, 23604 баланс ҳисобварағлари сальдоси) (0102-сатр – 0101-сатр) | 020 | |
| Базавий фоиз ставкаси, %<br>(Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси х 75% | 030 | |
| Ҳисобот даври охирида 50606, 51116 ва 54204 баланс ҳисобварағида акс эттирилган жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари, пластик карточкалар бўйича омонатлари ва жойлаштирилган жамғарма сертификатлари ҳажми бўйича фоизли харажатлар суммаси. | 040 | |
| Ҳисобот даври учун жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари, пластик карточкалар бўйича омонатлари ва жойлаштирилган жамғарма сертификатлари ҳажмининг ўртача суммаси (20406, 20606, 22618, 23604 баланс ҳисобварағлари сальдоси) | 050 | |
| Ҳисобот даври учун ҳисоблаб чиқарилган фоиз ставкаси, %<br>[(040-сатр/050-сатр)*100/ҳисобот давридаги ойлар сони] | 060 | |
| Фоиз ставкасининг кўпайган қисми, % да<br>(060-сатр – 030-сатр) | 070 | |
| Фоиз ставкасини ошириш учун қилинган харажатлар суммаси<br>(050-сатр х 070-сатр х ҳисобот давридаги ойлар сони) | 080 | |
| Фоиз ставкасини ошириш учун қилинган ҳақиқатдаги харажатлардан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган даромад (фойда). | 090 | |
| Солиқ солинадиган базанинг камайиши | 100 | |
| Кўпайиш суммасига тўғри келувчи ҳамда жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари, пластик карточкалар бўйича омонатлари ва жойлаштирилган жамғарма сертификатлари бўйича фоиз ставканинг ошишига йўналтирилувчи даромад (фойда) солиғи суммаси<br>(100-сатр х даромад (фойда) солиғи ставкаси) | 110 | |

* Ушбу маълумотнома даромад (фойда) солиғи ҳисоб-китобига илова қилинади.

| **Мазкур ҳисоботда кўрсатилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончлилигини тасдиқлайман:** | **Давлат солиқ хизмати органининг ходими томонидан тўлдирилади** |
|---|---|
| Раҳбар:<br>СТИР ☐☐☐☐☐☐☐☐☐<br>Ф. И. Ш. ________<br>Имзо ________<br><br>Бош ҳисобчи<br>СТИР ☐☐☐☐☐☐☐☐☐<br>Ф. И. Ш. ________<br>Имзо ________<br><br>Сана (кк/оо/йй) ☐☐ ☐☐ ☐☐☐☐ | Ушбу хабарнома<br>(кераклигига «V» белгиси қўйилсин)<br>☐ қоғозда ☐ электрон кўринишида<br>☐ шахсан ☐ почта орқали ☐ электрон почта орқали<br>☐☐☐ варақда тақдим этилди<br><br>Тақдим этилган сана ☐☐ ☐☐ ☐☐☐☐<br>(кк/оо/йй)<br>Ф.И.Ш. ________<br>Имзо |

М.Ў.

Маълумот учун:

1. Базавий фоиз ставкаси (030-сатр) ҳисобот даврида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 21 мартдаги ПФ-2564-сон Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалдаги ойлик қайта молиялаш ставкасининг 75 фоизи миқдорида белгиланади. Агар ҳисобот даври мобайнида базавий

фоиз ставкаси ўзгарса, унда ҳисоб-китоб қилишда ушбу ҳисобот даврида охирги қабул қилинган базавий фоиз ставкаси олинади. Бўшаган маблағларнинг жисмоний шахсларнинг жалб қилинган муддатли омонатлари бўйича фоиз ставкаларини оширишга мақсадли йўналтирилганлигини тасдиғи бўлиб, фоиз ставкаларининг мутлақ ошишини эмас, балки базавий фоиз ставкага нисбатан омонатлар бўйича фоизлар ошишининг кўпайганлиги ҳисобланади.

2. Ҳисобот даври учун жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари, пластик карточкалар бўйича омонатлари ва жойлаштирилган жамғарма сертификатлари ҳажмининг ўртача суммаси (20406, 20606, 22618, 23604 баланс ҳисобварақлари сальдоси) қуйидагича аниқланади:

чорак учун: (1.01.2007/2 + 1.02 + 1.03 + 1.04.2007/2) / 3;
ярим йил учун: (1.01.2007/2 + 1.02 +.....+ 1.06 + 1.07.2007/2) / 6;
9 ой учун: (1.01.2007/2 + 1.02 +.....+ 1.09 + 1.10.2007/2) / 9;
йил учун: (1.01.2007/2 + 1.02 +.....+ 1.12 + 1.01.2008/2) / 12.

3. Агарда 090-сатрдаги сумма:
020-сатрдаги суммадан катта бўлса, 100-сатрга 020-сатрдаги сумма қўйилади;
020-сатрдаги суммадан кичик бўлса, 100-сатрга 090-сатрдаги сумма қўйилади.

4. Солиқ имтиёзлари берилиши натижасида бўшаган ва жисмоний шахсларнинг жалб қилинган муддатли омонатлари бўйича фоиз ставкаларини оширишга йўналтирилган маблағлар суммаси «Омонатларнинг кўпайиши ҳисобига бўшаган маблағлар» номли алоҳида ҳисобварақда акс эттирилиши лозим.

Тижорат банклари, кредит уюшмалари ва
микрокредит ташкилотлари томонидан
бюджетга солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш
тартиби тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

## Жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари, пластик карточкалар бўйича омонатлари ва жойлаштирилган жамғарма сертификатлари ҳажмининг кўпайиши ҳисобига имтиёзларни қўллашга доир
## ШАРТЛИ МИСОЛ

1. Жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари, пластик карточкалар бўйича омонатлари ва жойлаштирилган жамғарма сертификатлари ҳажми суммаси:
ҳисобот даври бошига 1000 минг сўмни ташкил этган (0101-сатр);
ҳисобот даври охирига 1920 минг сўмни ташкил этган (0102-сатр);
кўпайиш эса 920 минг сўмни ташкил этган (020-сатр).

2. Базавий фоиз ставкаси (БФС) 0,9 % ни (030-сатр) ташкил этган бўлиб, қуйидаги формула билан аниқланади:

**БФС** = ҳисобот санасига МБ қайта молиялаш ставкаси x 75 % =
1,2 % x 75 % = 0,9 %

3. Ҳисобот даврига ҳисоблаб чиқарилган фоиз ставкаси (ҲФС) 2,8 % ни (060-сатр) ташкил этади ва қуйидаги формула билан ҳисобланади:

**ҲФС** = (ФХ/ ОЎС) х 100 %/ ҳисобот давридаги ойлар сони =
(491/1460) х 100 %/12 = 2,8 % бунда,

**ФХ** — ҳисобот даври охирида 50606, 51106 ва 54204 баланс ҳисобварақларида акс эттирилган жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари, пластик карточкалар бўйича омонатлари ва жойлаштирилган жамғарма сертификатлари ҳажми бўйича фоизли харажатлар суммаси;

**ОЎС** — жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари, пластик карточкалар бўйича омонатлари ва жойлаштирилган жамғарма сертификатлари ҳажмининг ўртача суммаси (20406, 20606, 22618, 23604 баланс ҳисобварақлари сальдоси), у қуйидагича аниқланади:

чорак учун: (1.01.2007/2 + 1.02 + 1.03 + 1.04.2007/2) / 3;
ярим йил учун: (1.01.2007/2 + 1.02 +.....+ 1.06+1.07.2007/2) / 6;
9 ой учун: (1.01.2007/2 + 1.02 +.....+ 1.09+1.10.2007/2) / 9;
йил учун: (1.01.2007/2 + 1.02 +.....+ 1.12+1.01.2008/2) / 12.

4. Фоиз ставкасининг кўпайиши (ФСЎ) 1,9 % ни (070-сатр) ташкил этди ва қуйидаги формула асосида ҳисобланди:

**ФСЎ** = ҲФС — БФС = 2,8% − 0,9% = 1,9 %

5. Жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари, пластик карточкалар бўйича омонатлари ва жойлаштирилган жамғарма сертификатлари бўйича фоиз ставкасини оширишга қилинган харажатлар суммаси (ФСОХ) 332,9 минг сўмни (080-сатр) ташкил қилади ва қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

**ФСОХ** = ФСЎ х ОЎС х ҳисобот давридаги ойлар сони =
1,9 % х 1460 х 12 = 332,9 минг сўм.

6. Фоиз ставкасини ошириш учун қилинган ҳақиқатдаги харажатлардан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган база (ҲСБ) 1958,2 минг сўмга (090-сатр) тенг, у қуйидаги формула орқали ҳисобланди:

**ҲСБ** = ФСОХ х 100 / даромад (фойда) солиғи ставкаси =
332,9 минг сўм х 100 / 17 = 1958, 2 минг сўм.

7. Солиқ солинадиган даромаднинг (фойданинг) камайиш суммаси қуйидаги тартибда аниқланади. Агарда 090-сатрдаги сумма:

020-сатрдаги суммадан катта бўлса, 100-сатрга 020-сатрдаги сумма қўйилади;
020-сатрдаги суммадан кичик бўлса, 100-сатрга 090-сатрдаги сумма қўйилади.

Фоиз ставкасини ошириш учун қилинган ҳақиқатдаги харажатлардан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган даромад (фойда) суммаси (090-сатр) жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари, пластик карточкалар бўйича омонатлари ва жойлаштирилган жамғарма сертификатлари ҳажмининг кўпайиш суммасидан (020-сатр) катта, яъни 1958,2 > 920. Мос равишда, бўшаган маблағларни (кўпай-

иш суммасига тўғри келувчи даромад (фойда) солиғи суммаси, яъни 156,4 минг сўм = 920 х 17/100 ) юқорида кўрсатиб ўтилган омонатлар бўйича фоизларни оширишга мақсадли йўналтириш шарти билан, солиқ солинадиган даромад (фойда) 920 минг сўмга камайтирилади.

Бошқа ҳолатда, фоиз ставкасини оширишга қилинган харажатлар суммаси (ФСОХ) 10 минг сўм бўлганда (080 — сатр) фоиз ставкасини ошириш учун қилинган ҳақиқатдаги харажатлардан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарилган солиқ солинадиган даромад (фойда) суммаси (090-сатр) жисмоний шахсларнинг муддатли омонатлари, пластик карточкалар бўйича омонатлари ва жойлаштирилган жамғарма сертификатлари ҳажмининг кўпайиш суммасидан (020-сатр) кичик бўлса, яъни 705,9 < 920. Мос равишда, бўшаган маблағларни (кўпайиш суммасига тўғри келувчи даромад (фойда) солиғи сумаси, яъни 120 минг сўм = 705,9 х 17 / 100 ) юқорида кўрсатиб ўтилган омонатлар бўйича фоизларни оширишга мақсадли йўналтириш шарти билан солиқ солинадиган даромад (фойда) 705,9 минг сўмга камайтирилади.

## Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги маълум қилади: вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2007 йил 28 июлдан 10 августгача бўлган маълумот

### *I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:*

1. «Ўзбекистон Республикасида уй меҳнатини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2007 йил 16 июлдаги М-35, 26, 10-сонли қарори.*

***2007 йил 28 июлда 487-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 7 августдан кучга киради).***

2. «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 30 июндаги 18/4-сонли қарори.*

***2007 йил 28 июлда 773-24-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 7 августдан кучга киради).***

3. «Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2007 йил 25 июндаги М-31-сонли буйруғи.*

***2007 йил 28 июлда 1136-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 7 августдан кучга киради).***

4. «Ўсимлик дунёси объектларидан махсус фойдаланиш тўғрисидаги рухсатномалар намуналарини ҳамда ўрмон фонди ерларида ёввойи ҳолда ўсувчи доривор, озиқ-овқатбоп ва техник ўсимликларни териш ва тайёрлаш учун рухсатнома, ўрмон фондининг яйлов ҳудудларида пичан ўриш ва чорва молларини ўтлатиш учун ўрмон чипталари, шунингдек ўрмон фонди ҳудудларида дарахт кесиш учун чипта бланкаларини тўлдириш ва ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг 2007 йил 17 июлдаги 68-сонли буйруғи.*

***2007 йил 3 августда 1700-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 13 августдан кучга киради).***

5. «Ўзбекистон Республикасида камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар турларини муҳофаза қилиш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раисининг 2007 йил 26 июлдаги 71-сонли буйруғи.*

***2007 йил 3 августда 9-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 13 августдан кучга киради).***

6. «Илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси раисининг 2007 йил 25 июлдаги 24-сонли буйруғи.*

***2007 йил 3 августда 153-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 13 августдан кучга киради).***

7. «Ўзбекистон Республикасининг фундаметал илмий тадқиқотлар дастурларини тузиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси раисининг 2007 йил 25 июлдаги 23-сонли буйруғи.*

***2007 йил 3 августда 156-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 13 августдан кучга киради).***

8. «Ўзбекистон Республикаси давлат илмий-техник дастурларини тузиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»-ги *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси раисининг 2007 йил 25 июлдаги 22-сонли буйруғи.*

***2007 йил 3 августда 157-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 13 августдан кучга киради).***

9. «Илмий-техник лойиҳалар танлови тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси раисининг 2007 йил 25 июлдаги 19-сонли буйруғи.*

***2007 йил 3 августда 211-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 13 августдан кучга киради).***

10. «Ўзбекистон Республикаси ФТДҚ инновацион ишлар дастурини тузиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»-ги *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси раисининг 2007 йил 25 июлдаги 20-сонли буйруғи.*

***2007 йил 3 августда 212-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 13 августдан кучга киради).***

11. «Илмий-тадқиқот, конструктор-технологик ва инновацион ишланмаларга давлат буюртмаси тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси раисининг 2007 йил 25 июлдаги 21-сонли буйруғи.*

***2007 йил 3 августда 284-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 13 августдан кучга киради).***

12. «Илмий-тадқиқот, конструктор-технологик ва инновацион ишларни молия-

лаштириш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси, Молия вазирлигининг 2007 йил 25 июлдаги 4, ДК/12-06-14/560 -сонли қарори.*

***2007 йил 3 августда 303-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 13 августдан кучга киради).***

13. «Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 30 июндаги 18/3-сонли қарори.*

***2007 йил 7 августда 1080-3-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 17 августдан кучга киради).***

14. «Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозларни чиқариш, давлат рўйхатига олиш ва сўндириш (бекор қилиш) тартиби тўғрисидаги низомга қўшимча киритиш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Марказининг 2007 йил 21 июлдаги 228-В-5, 04/18-371 -сонли қарори.*

***2007 йил 7 августда 1216-5-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 17 августдан кучга киради).***

15. «Тижорат банклари, кредит уюшмалари ва микрокредит ташкилотлари томонидан бюджетга солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 25 июндаги 68, 2007-38, 291-В-сонли қарори.*

***2007 йил 9 августда 1701-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 19 августдан кучга киради).***

## *II. Давлат реестридан чиқарилди:*

1. Ўзбекистон Республикасида уй меҳнатини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом. *Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 487, 28.08.1998 й).*

***Адлия вазирининг 2007 йил 28 июлдаги 138-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

2. Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ижро этиш тартиби ҳақида қўлланма. *Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 4, 12.11.1993 й).*

***Адлия вазирининг 2007 йил 3 августдаги 142-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди. Буйруқ 2007 йил 3 августда 4-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 13 августдан кучга киради).***

3. Ўзбекистон Республикасида камёб ва йўқолиб кетиш хавфи остидаги ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликлар турларини муҳофаза қилиш тартиби. *Ўзбекистон Рес-*

*публикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 9, 29.12.1993 й).*

***Адлия вазирининг 2007 йил 3 августдаги 143-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

4. Илмий-тадқиқот ва тажриба конструкторлик лойиҳаларини экспертизадан ўтказиш тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 153, 13.06.1995 й).*

***Адлия вазирининг 2007 йил 3 августдаги 144-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

5. Ўзбекистон Республикасининг фундаметал илмий тадқиқотлар дастурларини тузиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 156, 13.06.1995 й).*

***Адлия вазирининг 2007 йил 3 августдаги 145-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

6. Ўзбекистон Республикаси давлат илмий-техник дастурларини тузиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 157, 13.06.1995 й).*

***Адлия вазирининг 2007 йил 3 августдаги 146-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

7. Илмий-техник лойиҳалар танлови тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 211, 03.01.1996 й).*

***Адлия вазирининг 2007 йил 3 августдаги 147-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

8. Ўзбекистон Республикаси ФТДҚ инновацион ишлар дастурини тузиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 212, 03.01.1996 й).*

***Адлия вазирининг 2007 йил 3 августдаги 148-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

9. Илмий-тадқиқот, конструктор-технологик ва инновацион ишланмаларга давлат буюртмаси тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 284, 04.11.1996 й).*

***Адлия вазирининг 2007 йил 3 августдаги 149-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

10. Илмий-тадқиқот, конструктор-технологик ва инновацион ишларни молиялаштириш тартиби. *Ўзбекистон Республикаси Фан ва техника давлат қўмитаси, Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 303, 29.01.1997 й).*

***Адлия вазирининг 2007 йил 3 августдаги 150-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.***

11. Тижорат банклари ва кредит уюшмалари томонидан бюджетга солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқаруви томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1480, 16.06.2005 й).*

*Адлия вазирининг 2007 йил 9 августдаги 153-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.*

## *Адлия вазирлиги томонидан давлат рўйхатидан ўтказишнинг белгиланган тартибига зид равишда амал қилаётган норматив ҳужжатлар аниқланди:*

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири томонидан тасдиқланган 2001 йил 23 мартдаги 65-сонли буйруғига 12-сон илова, 2005 йил 30 сентябрдаги 217-сонли буйруғи.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази директори томонидан тасдиқланган 2005 йил 17 августдаги 192-сонли буйруғига 5 ва 7-сонли иловалар, ва 2007 йил 30 апрелдаги 71-сонли буйруғига 1-сон иловалар.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки Кенгашининг 2003 йил 23 декабрдаги 18-сонли қарори.

**Давлат рўйхатидан ўтказилмаган меъёрий ҳужжатлар кучга кирмаган ҳужжат сифатида ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда тегишли ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш, ундаги кўрсатмалар бажарилмаганлиги учун фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона ва ташкилотларга бирор-бир жазо қўллаш учун асос бўлиб хизмат қилмайди. Юқорида кўрсатилган меъёрий ҳужжат бўйича Адлия вазирлиги томонидан тегишли идорага ушбу ҳужжатни бекор қилиш ва ижродан чақириб олиш тўғрисида тақдимнома киритилди.**